

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УҚД _____

МАМАДАЛИЕВ ЗОКИР КУШАТОВИЧ

**Самарканд вилоятидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий
соғломлаштиришдаги муаммолар**

5А340102 «Тармоқлар иқтисодиёти»
мутахассислиги бўйича

**МАГИСТР
АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
ЁЗИЛАДИГАН ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:
и.ф.д. доц. И.С.Шодиева

Илмий маслаҳатчи:
«Монополиядан чикариш, ракобат ва
тадбиркорликни куллаб-қувватлаш
Самарканд вилоят ҳудудий
бошкармаси бошлиғи У.О.Назаров

САМАРҚАНД – 2009

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти 5A340102 «Тармоқлар иктисодиёти» мутахассислиги магистранти Зокир Мамадолиев томонидан бажарилган «Самарканд вилоятидаги иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришдаги муаммолар» мавзусидаги магистрлик диссертациясига расмий оппонент

ТАКРИЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида "Иктисодиётнинг барқарор ва мутаносиб усиши ҳамда таркибий узгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жихатдан янгилаш" белгилаб берилган.

Давлат мустақиллигини кулга кiritиш натижасида Ўзбекистон учун иктисодий ва ижтимоий тараққиётнинг маданий ва маърифий янгилашнинг кенг истикболлари очилди. Пировард мақсадимиз ижтимоий йуналтирилган барқарор бозор иктисодиётига, очик ташки сийosatга эга булган кучли демократик ҳукукий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Ислохотларни амалга оширишда унинг босқичлари изчил булиши мувоффақият гаровидир.

Диссертация иши иктисодиётни эркинлаштириш шароитида иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалаларига қаратилган.

Ишнинг долзарблиги иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш тушунчасининг аниқ мазмуни очиб берилмаганлиги ва замонавий бошқарувда иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ахамияти ошиб бориши билан белгиланади.

Иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича маслаҳатларга эҳтиёж муаммоси охириги йилларда фаол урганилиб, бу соҳада етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Умумий меъзонлар, унинг самарадорлигини аниқлашнинг усуллари ишлаб чиқилмаган.

Корхоналар банкротлиги мустақил республикамиз тарихидаги янги ҳолат булиб, иктисодиётни ислох қилиш ва бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида жорий этилмокда. 1997 йилдан эътиборан мамлакатимизда корхоналарнинг молиявий

баркарорлигини таъминлаш, шунингдек банкрот деб эълон килинган корхоналарни тугатиш учун иктисодий ночорлик ва зарар куриб ишлаш белгиларини олдини олиш буйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шундай булишига карамасдан бу холатни тулик урганишга каратилган аник илмий тадкикотларнинг йуклиги мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат булиб, ундаги параграфлар диссертация мавзусини тула баён эта олган.

Ишнинг биринчи бобида мавзунинг назарий жихатларига эътибор каратилиб, унда банкротлик тушунчаси, унга олиб келувчи асосий сабаблар, банкротликнинг турлари, банкротлик аломатлари батафсил ёритилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **«Самарканд вилоятида иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш холати»** деб номланиб ушбу бобда Республикамизда, жумладан Самарканд вилоятида банкротликка юз тутган корхоналарнинг холати тахлил килинган.

Ишнинг учинчи бобида жахон молиявий-иктисодий инкирози шароитида ишлаб чиқарилаётган махсулот турларини реструктуризация қилиш ва таннархини оптималлаштириш, корхоналарда фойдаланилмаётган қувватлар ва ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш йуналишлари, корхоналарда менежмент ва молиявий холатни реструктуризация қилиш йуналишлари батафсил баён этилган.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки ишнинг натижаларидан «Корхона иктисодиёти» фанининг айрим мавзуларини у^{злаштириш} талабалар мустақил ишларни тайёрлашда кенг фойдаланиши мумкин.


Умуман диссертация ишида юқорида келтирилган ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йул қуйилган.

- ишда айрим грамматик ва орфографик хатолар мавжуд;
- айрим чизма ва жадвалларни расмийлаштириш талабларига тулик амал қилинмаган;

Умуман олганда десертация иши мазмуни ва таркиби жихатдан унга куйиладиган талабларга тулик жавоб беради ва унинг мауллифи Мамадолиев Зокир Кушатович 5A340102 «Тармоклар иктисодиёти» мутахассислиги буйича магистр даражасини олишга лойикдир.

Самарканд Кишлок хужалик институти «Кишлок хужалиги иктисодиёти ва бошкарув» кафедраси
мудир, и.ф.н, доцен

О. Муртозоев



Самарканд иктисодиёт ва сервис институти 5A340102 «Тармоқлар иктисодиёти» мутахассислиги магистранти Зокир Мамадолиев томонидан бажарилган «Самарканд вилоятидаги иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришдаги муаммолар» мавзусидаги магистрлик диссертациясига илмий раҳбар

ТАКРИЗИ

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидан мулкрий муносабатлар юзасидан ислохотлар бошлаб юборилди. Янги мулк шакллари вужудга келди. Корхоналар хужалик юритишнинг узини-узи молиялаштириш тизимига утди. Бу даврда хужалик юритувчи субъектлар учун янги булган ракобат мухитида амал килишга тугри келди. Банкротлик холати Республикамиз корхоналарида 1996 йиллардан кузатила бошлади. Натижада Давлат бошқарув тизимида вилоятлар доирасида янги тузилма «Иктисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси» вужудга келди.

Иктисодий ночор холатга тушиб колган корхоналарга нисбатан Давлат тамонидан турли йулар билан ёрдамлар, молиявий кумаклар берилди. Шундай булишига карамасдан уларнинг купчилигини банкротлик холатидан саклаб колишнинг имкони булмади. Шундан сунг «Банкротлик туррисида»ги Узбекистон Республикаси Конуни кабул килинди.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор вазифаларидан бири сифатида "Иктисодиётнинг барқарор ва мутаносиб усиши ҳамда таркибий узгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг мухим тармоқларини техник ва технологик жихатдан янгилаш" белгилаб берилган. Пировард максадимиз ижтимоий йуналтирилган барқарор бозор иктисодиётига, очик ташки сиёсатга эга булган кучли демократик ҳукукий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишданиборатдир.

Диссертация иши иктисодиётни эркинлаштириш шароитида иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалаларига каратилган булиб куннинг энг долзарб муаммоларидан бирининг ечимига каратилган. Чунки корхоналарнинг банкротлик холатига тушишидан нафакат корхона, балки бутун жамият зарар куради.

Буни биз бугунги жахон молиявий- иктисодий инкирози авж олиб у^{зининг} таъсирига йирик компания ва корпарацияларни тортиши натижасида содир булаётган ижтимоий талофатлардан хам куришимиз мумкин..


Ишнинг долзарблиги иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш тушунчасининг аник мазмунини очиб берилмаганлиги ва замонавий бошқарувда иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ахамияти ошиб бориши билан белгиланади.

Диссертант узининг икки йиллик таълим олиш давридаги тадқиқотлари давомида муаммо мазмунини билишлигини, чуқур назарий ва амалий куникмаларга эга эканлигини курсата олди. Мустакил равишда маълумотлар йиғиш, уни қайта ишлаш ва аник хулосалар чиқарши куникмаларига эга эканлигини исботлади.

Диссертант ишни кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатига ажратган ҳолда мақсаддан келиб чиқувчи вазифаларни тулик ечимини баён эта олди.

Уйлайманки, диссертация иши мазмуни ва таркиби жихатдан унга қуйиладиган талабларга тулик жавоб беради ва унинг маулифи Мамадолиев Зокир Кушатович 5А340102 «Тармоқлар иктисодиёти» мутахассислиги бўйича магистр даражасини олишга лойикдир.

**Илмий рахбар, Иктисодиёт
кафедраси доценти, иктисод
фанлари доктори**



Г.М.Шодиева

МУНДАРИЖА

бет

	Кириш	
I-БОБ.	Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида иктисодий	
	ночор корхоналарни соғломлаштиришнинг назарий	
	асослари	
1.1.	Банкротлик тушунчаси, унинг асосий сабаблари	
1.2.	Корхонани молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва	
	корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти	
II-БОБ.	Самарканд вилоятида иктисодий ночор корхоналарни	
	молиявий соғломлаштириш ҳолати	
2.1.	Самарканд вилоятида банкрот деб эълон қилинган	
	корхоналар ҳолати	
2.2.	Самарканд вилоятида таркибий узгартирилган корхоналар ва	
	уларнинг иктисодий курсаткичлари таҳлили	
2.3.	Самарканд вилоятида давлат кумаги орқали молиявий	
	соғломлаштирилган корхоналар таҳлили	
III-боб.	Корхоналарни таркибий узгартириш ва молиявий	
	соғломлаштиришнинг асосий йўналишлари	
3.1.	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини реструктуризация	
	қилиш ва таннархини оптималлаштириш	
3.2.	Корхоналарда фойдаланилмаётган қувватлар ва ижтимоий	
	соҳа объектларини реструктуризация қилиш йўналишлари ...	
3.3.	Корхоналарда менежмент ва молиявий ҳолатни	
	реструктуризация қилиш йўналишлари	
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларни назарий таҳлил қилмасдан, назарий асосини яратмасдан, қолаверса, ҳуқуқни тартибга солувчи функциясини қундалиқ турмуш-тарзимиз мезонига айлантирмасдан туриб жамиятни демократлаштириш ва ислох қилиш қийин албатта. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётни ислох этиш жараёнида янги даврнинг талаб ва эҳтиёжларига монанд ҳолда янгича қараш ва ёндашувларни узида ифода этадиган тадқиқотларни амалга ошириш амалиётчи ва назарийчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берилган устувор йўналишларидан бири:

“Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш”.

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг маданий ва маърифий янгиланишнинг кенг истикболлари очилди. Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган қучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Ислохотларни амалга оширишда унинг босқичлари изчил бўлиши мувоффақият гаровидир.

Диссертация иши иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш масалаларига қаратилган.

Муаммонинг долзарблиги иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш тушунчасининг аниқ мазмуни очиқ берилмаганлиги ва

замонавий бошқарувда иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ахамияти ошиб бориши билан белгиланади.

Иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича маслахатларга эҳтиёж муаммоси охирги йилларда фаол ўрганилиб, бу соҳада етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Умумий меъзонлар, унинг самарадорлигини аниқлашнинг усуллари ишлаб чиқилмокда. Хозирги пайтда иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича амалий ишлар, йигилишлар, семинар ва тренинглар ўтказилиб келинмокда.

Корхоналар банкротлиги мустақил республикаимиз тарихидаги янги ҳолат бўлиб, иктисодиётни ислох қилиш ва бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида жорий этилмокда. 1997 йилдан эътиборан мамлакатимизда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш учун иктисодий ночорлик ва зарар қуриб ишлаш белгиларини олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмокда.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлар мазкур диссертация изланишлари мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон республикасидаги, шу жумладан, Самарканд вилоятидаги иктисодий ночор ахволга тушган корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг муаммолари И.А.Каримовнинг чиқарган Қарорларида, Фармонларида ва асарларида, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Қарорларида ва бошқа бир нечта илмий ходимлар ишларида кўриб чиқилган.

Шу билан бирга иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича жахон тажрибаларига асосланган назарий ва амалий жихатлари етарли даражада ўрганиш бўйича ишлар олиб борилмокда.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. Мавзунинг мақсади Ўзбекистон шароитида иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган:

- корхонани молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини ёритиш;
- Самарканд вилоятида банкрот деб эълон қилинган корхоналар ҳолати;
- Самарканд вилоятида таркибий узгартирилган корхоналар ва уларнинг иктисодий курсаткичлари таҳлили;
- Самарканд вилоятида давлат қумаги орқали молиявий соғломлаштирилган корхоналар таҳлили;
- корхоналарни таркибий узгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг асосий йўналишлари.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мамлакатимизда иктисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Президент И.А.Каримовнинг иктисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича таклиф ва кўрсатмалари, олимларнинг монографиялари, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда қўлланилаётган услублар ташкил этади.

Илмий ишнинг ахборот манбаи Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси, Давлат мулк Қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, интернет орқали олинган маълумотлар, ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий ҳисоботлари ҳамда даврий матбуотда эълон қилинган статистик маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- «иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш» тушунчасининг турли талқинлари ўрганиб чиқилди;
- корхоналар банкротлигини таснифлашнинг турли йўналишлари ўрганилди ҳамда умумлаштирилди;
- корхоналарнинг банкротлик ҳолатига келиб қолишига сабаб бўлувчи омиллар ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилганлиги. Диссертация изланишлари натижалари асосида таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, тадбирлар натижасида тегишли ижтимоий-иқтисодий самара олиниши назарда тутилган.

Диссертация ишининг таркибий тузилиши. Диссертация иши қириш, ўқта боб, ҳулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 119 бет бўлиб, 23 та жадрвал ва 3 та расмдан иборат.

Диссертациянинг қириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари, таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарни иқтисодий соғломлаштиришнинг назарий асослари, банкротлик тушунчаси, унинг сабаблари, корхонани молиявий

соғломлаштиришнинг моҳияти ва корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Иккинчи бобда Самарканд вилоятида иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳолати, банкрот деб эълон қилинган корхоналар ҳолати, таркибий узгартирилган корхоналар ва уларнинг иктисодий курсаткичлари тахлили, давлат кумаги орқали молиявий соғломлаштирилган корхоналар тахлили.

Учинчи бобда корхоналарни таркибий узгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг асосий йўналишлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини реструктуризация қилиш ва таннархини оптималлаштириш, корхоналарда фойдаланилмаётган қувватлар ва ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш йўналишлари, корхоналарда менежмент ва молиявий ҳолатни реструктуризация қилиш йўналишлари.

Хулоса қисмида олинган натижалар асосида тегишли таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш йўналишлари берилган.

I-БОБ. ИКТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИКТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Банкротлик тушунчаси, унинг асосий сабаблари.

Мамлакатимизда бозор иктисодиётига асосланган ҳукукий демократик давлат қуриш йулида турли соҳаларда ижтимоий-иктисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жамиятни бошқаришнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, йулга қуйилди. Иктисодиётни бошқариш ва тартиблаштиришда давлатнинг ролини камайтириш ҳамда ушбу жараённинг асосан турли иктисодий тармоқлар орқали амалга оширилиши бозор иктисодиётининг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Амалга

оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳукукий жихатдан мустахкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек турли тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳаётимизга бозор иқтисодиёти, бозор муносабатлари билан боғлиқ турли тушунча ва терминлар кириб кела бошлади, шу билан бирга бозор инфраструктураси механизмлари йулга қуйила бошланди. Жумладан, янги институтлар янги йуналишлар, янги ташкилотлар фаолияти йулга қуйилмоқда.

Солиқ тизимининг янгидан йулга қуйилганлиги, банк структурасининг (икки босқичли банк тизими) қайтадан ташкил этилганлиги, сугурта хизматининг кучайтирилганлиги, аудиторлик фаолиятининг тикланганлиги шулар жумласидандир. Кичик ва урта бизнеснинг ривожлантирилиши ҳамда уларнинг турли соҳаларда фаолият курсатиши учун кенг йул очиб берилди. Хуллас, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳужалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик берилиб, улардан факатгина давлат томонидан белгиланган қонунчиликка риоя қилиши ҳамда белгиланган солиқ туловларини тулаши талаб этилади.

Бозор инфраструктураси механизмлари фаолияти йулга қуйилгач у ўз самарасини бера бошлади. Чет эл инвестицияси кириб келди, қўшма корхоналар барпо этилди, ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари йулга қуйилди ва ҳоказо, шу билан бирга иқтисодиётда бозор қонунлари ўз таъсирини ўтказа бошлади. Натижада аксарият корхоналар бозор қонунларини мукамал урганмаслиги, бозор талаблари доирасида фаолият курсатмаслиги натижасида иқтисодий инкирозга юз тутди бошлади. Ўшбу ҳолатда жамиятда яна бир янги тизим ва ташкилотни яратиш зарурати тугилди. Шундай янги йуналишлардан бири бу ҳужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги, банкротлиги билан боғлиқ бўлган жараён бўлиб ҳисобланади.

Маълумки собик иттифок даврида бизда иктисодий ночорлик, банкротлик тушунчалари хакида тасаввур ҳам йук эди, чунки аксарият корхоналар давлат бюджети хисобидан молиялаштирилиб, уларнинг фаолияти юкоридан белгиланган режа асосида амалга ошириларди. Шунингдек уларнинг олиши мулжалланган фойдаси ҳам юкоридан белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг зарар билан фаолият курсатиши ёки кредиторлик карзлари купайиб кетиши, бугунги кун нуктаи назаридан келиб чикиб гапирсак, банкротлиги, иктисодий ночорлиги тугрисида гап ҳам булиши мумкин эмас эди.

Собик иттифок республикаларининг барчаси уз мустакиллигини эълон килиши, ҳамда уз тараккиёт йулларини бозор иктисодиёти тамоиллари асосида йулга куйиши, улар уртасидаги иктисодий-ижтимоий алокаларнинг бузилиши туфайли купчилик корхоналарнинг уз фаолиятини тухтатиш хавфи тугилди.

Банкротлик сабаблари ва аломатлари:

Банкротлик институти – хужалик юритувчи субъектлар уртасидаги муносабатлар амалиёти ва ҳукукий тартибга солиш тизимида нисбатан янги институт булиб, бозор иктисодиёти шароитида унинг урни ва ривож алохида ахамият касб этади. Шу маънода банкротлик институтини ҳукукий жихатдан тулаконли урганиш ва тахлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Утган давр мобайнида юртимизда банкротлик институтини чуқурроқ урганиш мақсадида чет эллик мутахассислар ва олимлар билан яқиндан ҳамкорлик урнатилиб, уларнинг бу борадаги тажрибаси ва амалиёти урганилди. Бунинг амалий натижаси уларок, киска давр ичида банкротлик институти буйича узимизга хос тажриба мактабини яратдик десак, муболага булмайди.

Туловга кодир булмаган хужалик юритувчи субъектларнинг банкротлик механизмини шакллантириш Ўзбекистон иктисодиётини ривожланишининг муҳим шартларидан бири хисобланади. Ушбу механизм ёрдамида самарасиз

булган мулкдорларни алмаштириш, корхоналарни тугатиш, ижтимоий муҳим аҳамият касб этадиган ва даромад келтирадиган корхоналарни саклаб қолиш, мулкчилик муносабатларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иш билан бандликни кафолатлаш мақсади назарда тутилган.

Корхоналарнинг банкротлик ва иқтисодий ночорлик аломатлари:

Банкротлик (иқтисодий ночорлик) – корхона(қарздор)нинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича тўла ҳажмда бажариш (тўлаш)га қодир эмаслик ҳолати тушунилади

Корхонанинг банкротлик аломатлари - бу корхонанинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлардан бўлган қарзларини тўлаш муддати 3 ойдан ўтган, қарзлари миқдори энг кам иш ҳақининг 500 баробарини ташкил этиши (юридик шахслар учун);

Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг банкротлик аломатлари - бу уларнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлардан бўлган қарзларини тўлаш муддати 3 ойдан ўтган, қарзлари миқдори энг кам иш ҳақининг 30 баробарини ташкил этиши кўзда тутилган;

"Иқтисодий хавф аломатлари мавжуд корхоналар" - гуруҳига мансуб корхонанинг тўлов қобилиятини йўқотган ва паст рентабеллик ёки молиявий хавф белгилари мавжудлиги билан аниқланади;

«Барқарор корхоналар» - гуруҳига ишлаб чиқариш ҳажмлари купайтирган, фойда билан ишлаётган, муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлмаган корхоналар тушунилади.

Банкротлик институти қуйидаги усуллар билан иқтисодиётга таъсир қилиши ва соғломлаштириши мумкин:

- туловга қодир бўлмаган қарздорларнинг тижорат фаолиятини тугатиш;

- иктисодий ночор ахволга тушиб колган хужалик юритувчи субъектларга уз фаолиятини кайта ташкил килиш ва тулов кобилиятини тиклашга имконият бериш оркали.

Банкротлик институти Узбекистон конунчилик тизимида узининг хукукий асосига 1994 йил 5 майда қабул килинган «Банкротлик тугрисида»ги Конун оркали эга булди. Ушбу конуннинг максади юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Банкротлик (иктисодий ночорлик) – хужалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари буйича кредиторлар талабларини тула ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий туловлар буйича уз мажбуриятини тула ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги.

«Банкротлик» тушунчасининг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиш мумкин: биринчидан, қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбурияти буйича қарзларини, шу жумладан, мажбурий туловларини тулашга қодир эмаслиги; иккинчидан, бундай мажбуриятни бажара олмаслик туловга кобилиятсизлик шаклида булиб, факатгина хужалик суди томонидан банкротлик аломатларини аниқлангандан кейингина иктисодий ночорликка айланади.

Юқорида биз банкротлик, иктисодий ночорлик сузлари маъноси, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тухталиб утдик. Энди корхоналарнинг банкротликка учраши сабаблари ва банкротлик аломатлари ҳақида фикр юритамиз. Банкротлик сабаблари ҳамда аломатлари бир-бирига яқин маъноли сузлар булсада, лекин банкротлик доирасида бу сузлар бири иккинчисининг давомчиси сифатида намоён булади. Яъни корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолиш сабаблари натижасида банкротлик аломатлари вужудга келади. Уз навбатида агар корхонада банкротлик аломатлари мавжудлиги аниқланса. Банкротлик ҳолатига тушиб қолиш сабаблари ҳам урганилади.

Корхоналарнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг бир канча сабаблари мавжуд. Ушбу сабабларни уларнинг келиб чиқишига, таъсир доирасига қараб бир нечта гуруҳларга таснифлаш мумкин. Банкротлик сабабларини бир катор омилларнинг узаро боғлиқлиги натижаси сифатида қуриб чиқамиз. Баъзи омиллар корхонага нисбатан ташқи омил бўлса, баъзилари ички омил бўлиб ҳисобланади. Ташқи омиллар таъсирини корхона ёки унинг раҳбарияти уз манфаатлари доирасида узгартириши, унга таъсир этиши мумкин эмас. Ички омиллар эса бевосита корхона фаолияти билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек банкротлик сабабларини объектив ва субъектив сабабларга ҳам ажратиш мумкин. Қупчилик ҳолатларда банкротлик барча сабабларнинг биргаликдаги таъсири натижасида келиб чиқади.

Банкротлик сабабларини омиллар таъсири нуқтаи назаридан, юқорида айтиб ўтганимиздек, ташқи ва ички омилларга бўлишимиз мумкин. Асосий ташқи омилларга қуйидагилар қиради:

- иқтисодий;
- сиёсий;
- демографик;
- илмий-техник тараққиёти;
- халқаро рақобатнинг қучайиши;
- қарздорларнинг банкротлиги.

Асосий ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- уз айланма маблағларининг етишмовчилиги;
- дебитор ва кредитор қарзларнинг қупайиши;
- сотилаётган маҳсулотнинг нарҳини аниқлаш механизмнинг яхши йулга қуйилмаганлиги;
- шартнома интизомига риоя этилмаслиги ва ҳ.к.

Худди шунингдек корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг объектив нуқтаи назаридан объектив ва субъектив сабабларга бўлиш мумкин:

- объектив сабаблар деганда, қушни МДХ республикалари билан бўлган алоқаларнинг мукамал йулга қуйилмаганлиги ҳамда улар билан бўладиган иктисодий муносабатларнинг мураккаблашганлиги, мамлакатимиздаги мавжуд иктисодий ҳолат;

- субъектив сабабларга эса корхона раҳбарларининг уқувсизлиги, қонунчиликни яхши билмаслиги, давлат томонидан берилган имконият ва енгилликлардан етарли тарзда фойдалана олмаглиги, бозор иктисодиётининг узига хос қонуниятларини чуқур урганмаслиги, шартномавий интизомларга қатъий риоя этмаслиги каби сабаблар қиради.

Вилоят ҳужалик суди томонидан «Банкрот» деб эътироф этилган корхоналарнинг банкротлик сабабларини таҳлил қилиш натижалари шунки қурсатадики, қўнчилик қулқида давлат улўши бўлган корхоналар асосан объектив сабаблар қуфайли, қичик ва урта бизнес корхоналари эса субъектив сабаблар натижақида банкрот бўлган. Жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» тизимидаги «Булўнгур қойафзал», «Қаттакўрган қойафзал» акциядорлик жамиятларининг, «Ўзпаррандасаноат» ассоциациясига қарашли «Наврўз парранда», «Ўзбекчиқин», «Наслли парранда» акциядорлик жамиятларининг ҳамда шўнга ўхшаш қобик иттифок доирасида ўз аҳамиятига эга корхоналарнинг банкротлиги объектив омиллар билан қоглик. Шўнингдек баъзи қўрилиш тизимидаги ёқи «Махаллий саноат» Акциядорлик қомпаниясига қарашли баъзи қулқида давлат улўши бўлган корхоналар давлат томонидан яратиб берилган имтиёзлар ва енгилликларга қарамасдан (давлат томонидан берилган ички ва ташки санация берилиши) субъектив сабаблар қуфайли «банкрот» бўлган.

Шў билан бирга санация олган айрим корхоналар давлат ёрдами ва ўз имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмади. Масалан «Чарм ишлаб

чикариш» акциядорлик жамияти санация давригача 9004 минг сум зарар куриб ишлаган. Санация даврида зарар суммаси камайишини урнига 16 млн. 873 минг сумга етган. Корхонанинг тулов кобилиятини йукотганлиги, берилган санация чораларини самарасиз утганлиги сабабли вилоят хужалик судининг 1999 йил 10 декабрдаги № 9-158-сонли карорига асосан «банкрот» деб эълон килинди.

Худди шундай ҳолатга йул куйганлиги учун Самарканд туманидаги «Улугбек» акциядорлик жамияти, Тайлок туманидаги ХМКК-6, Каттакургон АТП, Ургут туманидаги ХМКК-12 корхоналарига ҳам мутаносиб чоралар курилди.

Мазкур корхоналарда тасдиқланган Бизнес режалар ва «Молиявий соғломлаштириш режа»ларини бажариш юзасидан кескин чоралар курилмаган. Хом-ашё ва ёкилги энергетика ресурслардан фойдаланишда катъий иқтисод режимини урнатиш, дебиторлик қарзларини ундириш, бошқарув аппаратини қисқартириш, асосий ишлаб чиқаришда қатнашмаётган асосий воситалар ва товар материал бойликларни сотиш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган.


1999 йилда вилоят хужалик судига 162 та корхоналарни «банкрот» деб эътироф этиш бўйича даъво аризалари киритилган бўлиб, улардан 130 та корхона «банкрот» деб эътироф этилган бўлиб, шундан 128 таси юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилди.

2000 йил 1 август ҳолатига вилоят хужалик судига 40 та иқтисодий ночор корхоналарни «банкрот» деб эътироф этиш бўйича хужалик судига даъво аризалари киритилган бўлиб, улардан 22 та корхона «банкрот» деб эътироф этилган.

2000 йил январ-июл ойи давомида «банкрот» корхоналарнинг жами 186742 минг сумлик, жумладан, 126725 минг сумлик мол-мулки биржа ва аукцион савдолари орқали, 58327 минг сумлик мол-мулки тугридан-тугри олди-сотди шартномаси орқали сотилиб хусусий тадбиркорларга берилди.

Мулкларни сотиш ва дебитор карзларни ундириш оркали кредиторларнинг 246719,2 минг сумлик карзлари коплаб берилди.

Банкрот корхоналарнинг мол-мулки ягона мулкий мажмуа сифатида Кучмас мулк биржаси оркали утказиладиган «аукцион» ёки «биржа» савдолари оркали сотилишига алохида эътибор бериб, шу оркали корхонанинг фаолият йуналиши, малакали ишчилар урни саклаб қолиниб, корхонани замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлашга шароит яратилмокда. Банкрот-корхоналарнинг ягона мулкий мажмуа сифатида сотилиши юкорида таъкидлаб утилган имкониятлар билан бирга мамлакатимизда нафакат кичик ва урта бизнеснинг, балки хусусий йирик бизнеснинг ривожланишига ҳам замин яратиб бермокда. Юкорида айтиб утган гапларим курук булмаслиги учун уларни амалий мисоллар билан асослаб бериш лозим деб уйлайман. Хамда «банкрот» деб эътироф этилган корхоналарнинг кейинги такдири хакида бироз тухталиб утиш мақсадга мувофиқ деб уйлайман.



1998 йилда банкрот деб эътироф этилган «Навруз парранда» ОТАЖ ягона мулкӣ мажмуа сифатида «ШТАХЕЛ» фирмасига сотилиб, бугунги кунда корхонада жихозлаш ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

- «ДУ-3» АЖ бир қисм мол-мулки (бино ва иншоотлари) «СТВ» телекомпаниясига сотилган, ушбу бино ва иншоотлардан «Даракчи» нашриёти типографияси сифатида фойдаланилмокда.

- «Улугбек юлдузлари» ОТАЖ мол-мулки (бино ва иншоотлари) «Т.Х.» хусусий фирмасига сотилди. Бугунги кунда ушбу бино ва иншоотлардан фирма омборхоналари, дуконлари сифатида фойдаланилмокда.

1999 йилда «банкрот» деб эътироф этилган корхоналар мол-мулки сотилишида ҳам уларнинг асосан ягона мулкый мажмуа сифатида сотилишига алоҳида эътибор берилди.

- «Юнус» ОТАЖ (Пахтачи тумани) ягона мулкый мажмуа сифатида «Умид-2» фирмасига сотилиб, бугунги кунда гишт ишлаб чиқариш йулга қуйилган.

- «Наслли парранда» ОТАЖ (ҳозир «ОРИЁН ПАРРАНДА» фермер хужалиги)да корхонанинг реконструкция ишларига 52 млн. сум, зотдор тухум, тиббий препаратлар олиш учун 117 минг АКШ доллари сарфланди. Бугунги кунда аҳолига тухум ва товук гушти етказиб бериш билан шугулланилмоқда.

- «ПМК-1» корхонаси ягона мулкый мажмуа сифатида 29 млн. сумга «ШТАХЕЛ» МЧЖга сотилган бўлиб, бугунги кунда корхонада таъмирлаш ва қайта жихозлаш ишлари амалга оширилган.

- «Ўзбекчикин» ОТАЖ 53,4 млн. сумга (380 минг АКШ долларига) сотилиб, 950 минг АКШ доллари миқдорида инвестиция киритилди, зотдор парранда наслчилиги билан шугулланилмоқда.

2000 йилда хужалик суди томонидан «банкрот» деб эътироф этилган «Ўлугбек» ОТАЖ мол-мулки «Ишанқулов А.» ХФ га сотилиб, корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йулга қуйилган.

«Булунгур кути» ОТАЖ мол-мулкани харид қилган - «Афросиёб меваси» корхонаси мавжуд асосий воситалар ҳамда келтирилган замонавий технология базасида янги фаолият тури (кишлоқ хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида концентрланган ичимликлар ишлаб чиқариш)ни йулга қуйиш масаласи қуриб чиқилмоқда.

Юқорида банкрот деб эътироф этилган корхоналар мол-мулки сотилгач, у ердаги бугунги ҳолат ҳақида қисқача тухталиб ўтдик. Қуриб турганимиздек барча санаб ўтилган иқтисодий ночор корхоналарда ҳаёт қайтадан тирилган бўлиб, уларнинг қайтадан ишга туширилиши натижасида

бир канча иктисодий-ижтимоий масалалар ижобий хал этилди, жумладан, иш жойининг купайиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида уз вақтида корхоналар ишчилари учун қурилган уйларда ҳам ҳаёт янгидан бошланади. Унинг ижтимоий-инфраструктураси ҳисобланган мактаб, болалар богчаси, тиббий хизмат бўлими тулик қувват асосида ишлай бошлайди. Шундай қилиб, йирик ташкилотларнинг қайта тикланиши натижасида ижтимоий масалалар ҳам уз ечимини топади. Хуллас, мулкнинг ҳақиқий тадбиркор-мулкдор қулига утиши ҳамда уларнинг уз мулкидан самарали фойдаланиши натижасида мамлакатимиз иктисодиёти янада гуллаб яшнайти деган умиддаман.

1.2. Корхонали молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

Иктисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни кенгрок ёритиш лозим бўлади.

Иктисодий ночор ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш соҳасидаги янги йўналишлар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иктисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19-ноябрдаги Ф-4010–сонли “Иктисодий ночор корхоналарни тижорат банклариға сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармойиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28-ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини

қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони;

○ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29-декабрдаги ПҚ-1024-сонли “2009 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичларни ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини прогноз қилиш тўғрисида”ги қарори (8 банди).

Корхонани банкротлик йўли орқали реструктуризация қилишнинг усуллари:

▪ **келишув битими** – тарафларнинг ўзаро ён бериш асосидаги битими;

▪ **кузатув** – қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, молиявий аҳволини таҳлил қилиш йўли билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳолатни атрофлича ўрганиш жараёни. Унинг киритган таклифи судда кейинги қабул қилинган қарорга (банкротлик таомили)га асос бўлиб хизмат қилади;

▪ **суд санацияси** – қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

▪ **ташқи бошқарув** – қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

▪ **тугатишга доир иш юритиш** – кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;

▪ **шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона** – ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам

қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс.

Банкротлик нима? Корхона банкротлигини қандай белгиларга қараб билса бўлади? Ушбу саволларга корхона раҳбарларининг ҳаммаси ҳам тугри жавоб бера олмаса керак. Банкротлик процедурасини ҳам қупчилик тугри тушунмайди. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва банкрот корхоналарни тугатиш бўйича олиб борилган таҳлилдан келиб чиқиб биз банкротликнинг қуп учрайдиган асосий сабабларини аниқладик.

Банкротлик муайян микдорда капитал йукотиши, ишлаб чиқариш майдонларининг қискариши, меҳнат жамоаларининг «бузилиши», ишсизлар сонининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, таркибий қайта қуриш, демак мамлакатнинг умумий иқтисодий ушшини қерақсиз ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун қатта микдорда материаллар, қом-ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз қорхоналарни «ажратиш»сиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида қорхоналар банкротлиги институтининг қонунчилик меъёрий базаси:

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1054-ХП-сон “Банкротлик тугрисида”ги Қонуни банкротлик аломатларини аниқлаш масалалари, банкротлик процедуралари ва уларни амалга ошириш тартибини бошқаради. Мазкур Қонун қайта ташкил этиш тадбирларини утқазиш мақсадга мувофиқ бўлмаганда ёки улар қутилган натижаларини бермаганда қорхоналарни мажбурий ёки ихтиёрий тугатишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Қонунга мувофиқ, қорхонанинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) деганда қарздорнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тулаш қредиторлар талабини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан

ташкари фондларга мажбурий туловларни таъминлашга кодир эмаслиги тушунилади.

Корхонанинг ночорлиги (банкротлиги) аломати – агар шу корхона кредиторлар талабларини уларни бажариш муддати бошлангандан кейин уч ой ичида бажарилишини таъминламаса ёки таъминлай олмаслиги маълум булса ва кредиторларнинг умумий талаблари суммаси энг кам иш хаки микдорининг 500 бараваридан ошса, унинг жорий туловларининг тухтатиб куйилишидир. Конун мулкчилик шаклидан катъий назар барча корхоналарга тегишли, бюджет ташкилотлари бундан мустасно. Кобилятсизлик факти хужалик суди томонидан расмий эътироф этилгандан сунг банкротлик кайд этилади.

Конунда карздор корхонага нисбатан бир нечта процедураларнинг кулланилиши кузда тутилган.

Биринчи процедура – кузатув суд томонидан банкротлик тугрисидаги иш куриб чикилиши даврида карздорга нисбатан кулланилади.

Иккинчи процедура – корхонанининг тулов кобилятини тиклашга хизмат киладиган суд санацияси, бунда корхона мулкдорлари ёки кредитор ёхуд бошка шахслар (жумладан давлат) каздор корхонага молиявий ёрдам курсатади. Санация утказиш учун асос сифатида тулов кобилятини тиклашнинг реал имконияти каралади.

Учинчи процедура – ташки бошқарув булиб, бунда хужалик суди ташки бошқарувни тайинлайди. Унда корхонанинг бошқариш буйича барча функция ва ваколатлари ташки бошқарувчига утади. Корхонанинг лаёкатсизлиги хакида иш кузгатиш учун карздорнинг узи, ёки кредитор ёхуд прокурорнинг аризаси асос булади. Карздорнинг аризасида ташки бошқарувни жорий этиш тугрисида илтимоси баён этилиши мумкин. Ташки бошқарувни жорий этиш учун асос сифатида карздор мулкчининг бир кисмини сотиш ва бошка тадбирларни амалга ошириш йули билан корхона фаолиятини давом эттиришнинг реал имконияти каралади. Карздор мулкчини

ташки бошқариш муддати 24 ойдан ошмаслиги керак. Агар корхона ташки бошқарув процедураларини утказиш натижалари буйича узининг тулов қобилиятини тиклаган бўлса, банкротлик тугрисида иш қозғатишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади, агар тулов қобилияти тикланмаса, корхона банкрот деб эътироф этилади ва тугатилади, унинг мулки эса сотувга қўйилади.

Туртинчи процедура – қорхонани банкрот деб эълон қилиш ва тугатиш ишини очиш. Тугатиш қарздор қорхонанинг молиявий аҳоли ниятида танг бўлиб, қайта ташкил қилиш амаллари ёрдамида яхшиланишига умид бўлмаганда қўлланилади. Тугатиш ишлари билан боғлиқ барча қаражатлар қоплангандан сунг, қредиторлар талаблари Қонунда белгиланган навбат билан қониктирилади.

Бешинчи процедура – қелишув битими бўлиб, у қарздор ва қредитор уртасида банкротлик иши бўйича ишнинг ҳар қандай босқичида тузилиши мумкин. Қредиторларнинг аксарият сони, жумладан қаров билан таъминланган қредиторларнинг барчаси қозилиги билан қелишув битими тузилган ҳисобланади. Қелишув битими ҳужалиқ суди томонидан тасдиқланиши қерак.

Банкротлик қараёни қарздор қорхонанинг қейинги тақдирини белгилувчи қарорларнинг қабул қилиниши билан бирга қечади. Бундай қарорларнинг самаралилиги ва адолатлилиги қорхонанинг молиявий аҳолини баҳолаш қаражасига, унинг барча имқониятларини аниқлашга боғлиқ.

Банкротлик аломатлари:

Бозор шароитида ҳар қандай қорхона банкрот бўлиши ёки «бегона» банкротликнинг қурбонига айланиши мумкин. Бирок моқирлик билан олиб қорилган иқтисодий стратегия, шунингдек, молия, инвестициялар, маркетинг ва нарқларни шакллантириш борасидаги оқилона сиёсат қорхонага

банкротликнинг олдини олиш ва узок йиллар давомида ишчанликни, даромадлиликини, ишончли шерик ҳамда сифатли махсулот ишлаб чиқарувчиси деган нуфузли номни саклаб қолиш имконини беради.

Гарб мамлакатлари тажрибасининг курсатишича, банкрот фирма муайян вазиятлар ва сабаблар туфайли уз холича «синади». Шунга карамай, хар кандай банкротликка карши умумий восита мавжуд – корхона холатини мунтазам молиявий тахлил қилиш. Бу гуллаб яшнаётган фирмаларга ҳам тегишли. Бозор иктисодиёти шароитида айнан молиявий тахлил етакчи урин тутуди, чунки бундай тахлил орқали молиявий ресурсларни самарали бошқариш мумкин. Ушбу ресурсларнинг қанчалик тулик ва мақсадга мувофиқ равишда асосий ва айланма воситаларга, шунингдек меҳнатга ҳақ тулаш ва меҳнатни рағбатлантириш воситасига айланиши корхонанинг, унинг мулкдорлари ва хизматчиларининг фаровонлигини белгилайди.

Молиявий тахлил - қуп мақсадли воситадир. Унинг ёрдамида асосланган инвестициявий ва молиявий қарорлар қабул қилинади, корхонада мавжуд ресурслар баҳоланади, улардан фойдаланиш истикболлари аниқланади, корхонани яқин ва узок келажакда ривожлантириш прогнозлари ишлаб чиқилади.

Мазкур фикрларда биз банкротликни ташхислашга тухталамиз, яъни молиявий тахлилнинг шундай турини қуриб чиқамизки, унинг ёрдамида, биринчи галда, корхона фаолиятидаги қамчилик ва узилишларни, унинг банкротлигига олиб қелиш мумкин бўлган ҳавфли ҳолатларни имкон қадар эрта муддатларда аниқлаш мумкин. Тахлилий иш жиддий йулга қуйилган корхонада инкирознинг муқаррарлигини эртароқ қура қилиш, унга қарши тезқор чора-тадбирлар қуриш ва "ноҳушлиқлар"ни олдини олиш ёки ҳавф даражасини қамайтириш имкони мавжуд. Шунингдек маълумки, хар кандай қасал қанчалик эрта аниқланса, шунчалик уни даволаш осон кечади.

Моливий тахлил якинлашиб келаётган фалокат сабабини аник курсатиб беради, деб умид килиш ярамайди. Аммо факат шундай тахлил ёрдамида корхонанинг иктисодий "касали"га тугри ташхис куйиш, корхона иктисодиётидаги заиф жойларни топиш ва кийин ахволдан чикиш буйича самарали ечимлар таклиф килиш мумкин.

Бир канча омиллар банкротликнинг сабаби булиши мумкин. Улар корхонанинг ичидаги ва унинг рахбарияти хамда ходимлари йул куйган хатоликларига боглик. Ички омилларга ва фирмадан ташкарида юзага келадиган хамда одатда корхонанинг таъсир доирасидан ташкарида буладиган ташки омилларга ажратилади. Бозор иктисодиётига асосланган ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг банкротлиги учдан бир кисм холларда ташки омиллар билан ва колган холларда ички омиллар билан белгиланади. Утиш иктисодиёти шароитларида ташки омиллар ички омилларга нисбатан устунликка эга.

Энг мухим ташки омилларга куйидагилар киради: инфляция (бошлангич хом-ашё, материаллар, ёнилги, энергия ташувчилар, бутловчи кисмлар, транспорт ва бошка хизматларнинг хам, корхона махсулоти ва хизматларининг хам нархининг салмокли ва нотекис усиши), банк фоиз ставкалари ва кредитлаш шартларининг, солик ставкалари ва божхона туловларининг узгариши, мулкчилик ва ижара муносабатларидаги, меҳнат тугрисидаги конунчиликдаги узгаришлар, энг кам иш хаки янги микдорининг жорий этилиши ва хоказолар. Курсатилган мазкур омилларнинг баъзилари корхонанинг тусатдан банкротга учрашига олиб келса, бошкалари аста-секин тупланиб ва кучайиб бориб, корхонанинг секин кечадиган, енгил кийин булган, ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва банкротликка етаклайди.

Корхонанинг фаолияти учун ички омиллар хам салбий таъсир курсатади. Чунончи, гарбий экспертларнинг бахосига караганда кичик фирмалардаги турли хил мувоффакиятсизликларнинг 90 фоизи менежерларнинг

тажрибасизлигига, рахбариятнинг билимсизлигига, унинг узгариб бораётган бозор вазиятларида муносиб ҳаракат қила олмаслигига, эскича дунёқарашига боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси фирмани самарасиз бошқаришга, нотугри қарорлар қабул қилинишига, бозордаги позицияларини йукотишига олиб келади. Бу омиллар, эҳтимол, мамлакатимиз қорхоналарига ҳам ҳосдир.

Қорхонанинг ҳақиқий молиявий аҳволи тугрисидаги ҳаққоний ахборотдан қуйидаги шахслар манфаатдор:

1) қорхона мулкдорлари (таъсисчилар ва акциядорлар). Улар учун банкротлик шахсий капиталдан маҳрум бўлиш, қатор ҳолларда эса бутунлай инкирозга юз тутишни англатади;

2) кредиторлар (банклар, инвестициявий компаниялар, қорхона облигациялари эгалари). Қорхона банкротга учраганда улар фойдаларни йукотадилар, айрим ҳолларда кредитни қайтариб олмаслик туфайли зарар қурадилар;

3) раҳбарлар, мутахассислар ва қорхонанинг бошқа ёлланма хизматчилари, чунки қорхона банкротлиги туфайли улар ишдан маҳрум бўладилар;

4) қорхона ҳамкорлари (ҳамкор қорхоналар, материалларни етказиб берувчилар, товар ва молия брокерлари, маҳсулот сотиш бўйича дилерлар). Ҳамкор қорхона банкротликка учраганда улар фойдали буюртмалардан маҳрум бўладилар ва шу сабабли зарар қурадилар;

5) давлат ва муниципал бошқарув органлари, шужумладан солиқ хизмати. Банкротлик оммавий қуламга эга бўлганда давлат бюджети ва маҳаллий бюджет солиқ ва ажратмалар қуринишидаги муайян қисм тушумлардан маҳрум бўладилар.

Манфаатдор шахсларнинг таҳлил учун бошланғич ахборотдан фойдаланиш имконияти турличадир. Қорхонанинг бошқарув ходимлари энг қўп ахборотга эга бўладилар. Улар бевосита қорхонада молиявий фаолиятнинг ички таҳлилини утказадилар. Бундай таҳлил тулиқлигича

корхона бошқаруви вазифаларига буйсундирилган. Бу тахлилнинг чуқур ва деталлаштирилган тури булиб, унда корхонада мавжуд булган ва ишлаб чиқариш жараёнини, тижорат фаолиятини, инфратузилма ахволини ва молиявий натижаларни ҳаққоний баҳолаш имконини берадиган ҳар қандай маълумотлардан фойдаланилади.

Бошқа манфаатдор шахсларда ахборотдан фойдаланиш имконияти чегараланган. Улар корхонанинг эълон қилинадиган расмий молиявий ҳисоботига асосланиб ташки тахлилни олиб боришлари мумкин. Ушбу ҳисобот маълумотлари умумлашган тусга эга, чунки корхона тижорат сирини сақлашга интилади. Молиявий ҳисоб-китобга оид маҳаллий ва хорижий амалиётда ташки тахлилнинг турли услублари ишлаб чиқилган ва кенг қулланилади, улар расмий бухгалтерия ҳисобида мавжуд корхонанинг фаолияти тугрисида чекланган доирадаги курсаткичларга қараб унинг молиявий ахволини аниқлаш имконини беради.

Ташки тахлил туфайли корхона фаолияти акциядорлар, кредиторлар, таъминотчилар, реал ва потенциал инвесторлар ва ҳ.к.лар томонидан доимий кузатув ва назорат қилинади. Бундай тахлилни утқизиш учун одатда аудиторлик ва консалтинг фирмалардан ваколатли мутахассислар жалб қилинади, улар корхона тугрисидаги маълумотларни мустақил ва профессионал экспертиза қилишни қарор қилади. Қийин молиявий аҳволга тушган корхоналар уз муаммоларини яшириши ва ҳисобот курсаткичларини «силликлаб» сир тутиши мақсадга мувофиқ эмас. Улар учун мустақил ташки экспертиза ташкил қилиш жуда муҳим, шундагина корхона муаммолари турли хил миш-мишлар билан мураккаблашмайди ва ноинсоф рақобатчилар томонидан қурол сифатида қулланилмайди. Бу шунингдек доимий ҳамкорларнинг корхонага булган ишончини сақлаб қолиш гарови ҳамдир.

Биринчи навбатда йиллик бухгалтерия хисоботидаги куйидаги хужжатлардаги маълумотлар тахлил килинади:

- Корхона баланси;
- Молиявий натижалар хакида хисобот;
- Дебиторлик ва кредиторлик карздорлиги хакидаги маълумотнома;
- Пул окимлари хакидаги хисобот;
- Молиявий-иктисодий ахвол хакидаги маълумотнома.

Корхонанинг иктисодий қобилиятлилиги буйича унинг молиявий ахволини тахлил килиш «Корхоналарнинг молиявий-иктисодий ахволи мониторинги ва тахлилини утказиш мезонларини аниклаш тартиби тугрисида»ги УзР Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1469-ракам билан руйхатга олинган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Низомга кура иктисодий ахволни баҳолаш учун асосий курсаткичлар (мезонлар) куйидагилардир:

- 1) тулов қобилияти ёки коплаш коэффициентлари - $K_{\text{л}}$;
- 2) уз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициентлари - $K_{\text{мт}}$;
- 3) харажатлар ва активлар рентабеллиги коэффициентлари - $K_{\text{хр}}$, $K_{\text{ар}}$.

Якуний қарор қабул килиш учун қушимча курсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

- 1) уз ва қиска муддатли заём маблағлари нисбати коэффициентлари - $K_{\text{н-}}$;
- 2) ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициентлари - $K_{\text{кф}}$;
- 3) асосий воситаларнинг эскириши коэффициенти - $K_{\text{эс}}$.

Бунда иктисодий тахлил килиниши керак бўлган корхоналарни танлаш учун асосий курсаткичлар куйидагилардир:

- пул мажбуриятлари ва мажбурий туловлар буйича муддати улар

туланадиган кундан бошлаб уч ойдан куп вақт кечиктирилган кредиторлик қарздорликлари;

- қорхонанинг туловга қобилиятсизлиги, яъни қорхонанинг жорий активлар билан қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олмаглиги;
- паст рентабеллик ёки зарар.

Қорхоналар иқтисодий аҳволини баҳолаш қўрсаткичлари тавсифи:

Пул мажбуриятлари ва мажбурий туловлар бўйича муддати улар туланадиган кундан бошлаб уч ойдан куп вақт кечиктирилган кредиторлик қарздорликлари мажбурий туловларни тулаш бўйича мажбуриятларнинг ва кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларининг бажарилиш пайтидан бошлаб қўнунчиликка ёки шартномаларга мувофиқ аниқланади (масалан, бюджетга солиқларни тулаш муддати ҳар ой ёки ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги муайян сана деб белгиланади).

Қоплаш (тулов қобилияти K_k) қўэффициенти қорхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини тулашга қодирлигини қўрсатади, улар дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни мувоффақиятли реализация қилиш шарти билангина эмас, балки жорий (оборот) активларнинг бошқа элементлари билан ҳам баҳоланади. Қўэффициентнинг қамайиши қорхона тулов қобилиятининг қамайишидан қалолат беради.

Қўэффициент қуйидаги қўрмула орқали ҳисоблаб қикарилади:

Дастур асосида соғломлаштириладиган 45 та корхонада 2008-2009 йилларда 38250,2 минг АҚШ доллари ва 6396,1 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиш ва 3003 та янги иш ўринларини яратиш ва тиклаш белгиланган.

Зарар билан ишлаган ва иқтисодий ночорлик аломатлари бўлган корхоналар буйича олиб борилган ишлар натижалари:

Зарар билан ишлаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, тугатиш борасида олиб борилган ишлар ва қўлланган тадбирлар натижасида 2007 йилнинг 1 декабр ҳолатига йил бошига нисбатан иқтисодий ночорлик аломатлари бўлган корхоналар сони 6 тага камайиб 7 тани ташкил қилган.



Зарар билан ишлаётган корхоналар салмоғи тўғрисида

Худудлар	01.01.04й		01.01.05й		01.01.06й		01.01.07й		01.01.08й	
	Уму- мий сони	шундан давлат улуши мавжуд мулклар	Уму- мий сони	шундан давлат улуши мавжуд мулклар	Уму- мий сони	шундан давлат улуши мавжуд мулклар	Уму- мий сони	шундан давлат улуши мавжуд мулклар	Уму- мий сони	шундан давлат улуши мавжуд мулклар
Қорақалпоғистон Республикаси	5	5	3	3	2	1	2	2	3	2
Андижон	5	5	7	6	11	6	7	5	3	3
Бухоро	5	5	2	2	2	2	3	2	4	3
Жиззах	8	6	2	2	0	0	0	0	3	1
Қашқадарё	4	4	0	0	0	0	1	1	0	0
Навоний	4	3	1	1	1	1	1	1	2	1
Наманган	9	5	12	8	10	5	9	5	5	3
Самарканд	17	8	11	8	9	8	4	2	3	3
Сурхондарё	3	2	2	2	5	2	0	0	0	0
Сирдарё	3	2	2	1	5	3	3	2	0	0
Тошкент	24	20	18	15	18	14	12	10	10	4
Фарғона	8	4	12	5	9	6	4	1	5	3
Хоразм	5	2	7	5	4	3	8	6	7	4
Тошкент ш.	163	65	88	57	65	33	46	21	34	17
Жами	263	133	167	115	141	84	100	58	80	45

www.antimon.uz

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва 15
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси

Иқтисодий ночор корхоналарнинг «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимида (1 тага), «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида (1 тага), коммунал соҳасида (1

тага), «Ўзавтойул» ДАК тизимида (1 тага) ва хокимлик тизимида (3 тага) камайиши эришилган.

Шу билан биргаликда «Ўзагромашсервис» уюшмаси тизимида иқтисодий ночор корхоналар сони 1 тага кўпайган (*“Қўшработ МТП” ОАЖ*).


2007 йил январ-ноябр ойлари давомида жами 19 та корхонада иқтисодий ночорлик аломатлари кузатилиб, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатларини бартараф этиш юзасидан тўлов интизоми ва шартномалар амалиётини мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирлари белгиланганлигидан 12 та корхонанинг иқтисодий ночорлик аломатлари бартараф этилган.

2007 йил 1 декабр ҳолатига ночорлик аломатлари мавжуд корхоналарнинг 4 таси Самарқанд шаҳрида (*«Иссиқлик манбаи» ОАЖ, «Самарқанд электртармоқлари» ОАЖ, «Сино» ОАЖ, «Самарқандкимё» заводи*), 1 таси Каттақўрғон шаҳрида (*Каттақўрғон шаҳар «Сувоқова» ИЧБ*), 1 таси Пастдарғом туманида (*Пастдорғом «Сувоқова» ИЧБ*) ва 1 таси Қўшработ туманида (*«Қўшработ МТП» ОАЖ*) жойлашган.

Кўрилатган чораларга қарамасдан коммунал соҳа корхоналари (4-тасида -вилоят *«Иссиқлик манбаи» ОАЖ, Каттақўрғон шаҳар «Сувоқова» ИЧБ, Пастдорғом «Сувоқова» ИЧБ* ва *«Самарқанд электртармоқлари» ОАЖ*), «Ўзкимёсаноат» ДАК тизимидаги (1-та *«Самарқандкимё» ОАЖ*) корхоналарида сурункали равишда айланма маблағларининг танқислиги кузатилиб келмоқда.



Зарар билан ишлаётган корхонлар сондаги ўзгариш динамикаси



Зарар билан фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 2007 йилнинг 1 декабр ҳолатига 3 тани ташкил қилиб (*«Иссиқлик манбаи» ОАЖ, Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ИЧБ ва «Нафис» ОАЖ*), ҳаммасида давлат улуши мавжуд. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан зарар билан ишлаётган корхоналарнинг сони 2 тага ва 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан ҳам 2 тага камайган.

Зарар билан ишлаган корхоналарнинг 3 таси ҳам Самарқанд шаҳрида жойлашган.

2007 йил январ-ноябр ойлари давомида 14 та корхона зарар билан фаолият кўрсатган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, харажатларни қисқартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида 11 та корхонанинг жумладан, Каттақўрғон шаҳридаги 1 та ва Самарқанд шаҳридаги 10 та корхоналарнинг зарарли фаолияти бартараф этилди.

Зарар билан ишлаётган корхоналарнинг камайиши асосан «Самарқандтрансмарказ» тизимидаги (4 та), «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида (1 та), «Ўзбектуризм» соҳасидаги (2 та), коммунал соҳасидаги (1 та), «Ўзбекистон хаво йўллари» ХАК тизимидаги (1 та) ва маҳаллий ҳокимликлар бўйсунувидаги (3 та) корхоналарда эришилган.

Шу билан бир қаторда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида зарар билан ишлаётган 1 та («Нафис» АЖ) корхона кўпайган. Ушбу корхона хўжалик судининг қарори билан банкрот деб эътироф этилди ва бугунги кунда тугатиш ишлари олиб борилмоқда.



Инвестиция киритиш эвазига бепул берилган корхона ва объектларга инвесторлар томонидан киритилган инвестициялар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли, 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПП-29-сонли, 2006 йил 10 июлдаги 407-сонли ва 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли қарорларига асосан вилоятдаги 35 та корхона ва объектлар инвестиция киритиш мажбуриятлари эвазига «нол» қийматда сотиш белгиланган.

Вилоят танлов комиссиясининг қарорларига биноан 22 та корхона ва объектлар бўйича танлов ғолиблари аниқланиб, улар томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режаларга асосан 2008 йил 1 январгача жами 843,9 млн. сўмлик инвестиция киритиш белгиланган, ҳақиқатда жами 955,6 млн. сўмлик инвестиция киритилган, 111,7 млн. сўм кўп инвестиция киритилган.

Жумладан, 2008 йилда инвестиция киритиш эвазига «ноль» қийматда берилган 3 та (*«ХИЦ-ГУАС» МЧЖ, 164-сонли автобус саройи»* ва *“Эталон заводи” ОАЖ*) корхонага инвесторлар томонидан инвестиция тўлиқ киритилди.

89-болалар боғчасига инвестор *«Par Impex» ИЧТФ* томонидан 27,5 млн. сум ўрнига 54,0 млн. сўм инвестиция киритилган бўлиб, бугунги кунда объект ишга туширилмаган. Объектни ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда 2 та корхона (*«Гўзалкент» киновидео» ОАЖ* ва *«Оқдарё босмахонаси» МЧЖ*) тегишли туман ҳокимларининг қарорларига мувофиқ давлат реестридан чиқарилган ва 1 та объект (*Ўқув тажриба Маркази бинолари*) Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қўшилган.

2 та (*Жомбой босмахонаси» МЧЖ* ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қарашли тез тиббий ёрдам маркази ҳудудида жойлашган *«Маъруза аудиторияси»* биноси) корхона ва объектларнинг ҳужжатлар тўплами Давлат мулкани бошқариш вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан савдога чиқариш бўйича Республика танлов комиссияси муҳокамасига тақдим этилган.

Инвестиция киритиш эвазига бепул берилган корхона ва объектларда 01.01.2008 йил ҳолатига 1649,2 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва хизматлар кўрсатилган, бу кўрсаткич инвесторларга сотилган даврга нисбатан 1407,0 млн. сўмга ошган ва бугунги кунда 661 та ишчи ва ходимлар

фаолият кўрсатиб, бу кўрсаткич инвесторларга сотилган даврга нисбатан 144 тага кўпайган.

Юртбошимиз томонидан 2008 йил 2-ярмида Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури тасдиқланиб, унда қуйидаги асосий вазифалар белгилаб берилган:

Биринчидан - корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа, авваламбор, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йуналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу уринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш буйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қуйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга булишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан - жорий коъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош булишини қўллаб-қувватлаш буйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ булмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта куриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, энг муҳим тармоқларни барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида, ўтган йил бошида давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан–иқтисодий ночор, истиқболсиз ва аввал хусусийлаштирилган фаолият юритмаётган корхоналарни тугатиш, таркибий ўзгартириш йўналишида иш олиб бориш доимий диққат марказимизда бўлди ва жами 561 тадан зиёд ана шундай аниқланган корхоналарда олиб борилган тадбирлар натижасида:

уларнинг 72%ида (404та) ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатида ижобий кўрсаткичлар кузатилди;

171 таси иқтисодий ночорликдан ва банкротлик ҳолатидан чиқарилди;

314 та (56%) корхоналар ойлик ишлаб чиқариш ҳажмларини қарийб 20% дан икки баробарга оширганлиги;

Жами 338 (2007й. 308)та истиқболсиз, сурункали иқтисодий ночор ва келажаги йўқ бўлган корхоналарни банкротлик механизми орқали потенциалли сармоядорларга сотиш мақсадида, ички ва ташқи инвесторлар билан олиб борилган қатор тадбирлар натижасида уларнинг 68%и (232та) (2007й.104та) янги сармоядорларга сотилганлиги билан эътироф этилади, яъни бу кўрсаткичлар аввалги йилларга нисбатан 2 баробарга кўпдир.

Инвесторларга сотилган собиқ банкрот корхоналарнинг кейинги фаолияти устидан олиб борилган тегишли кузатиш ва ўрганиш ишларининг натижасига кўра 2007-2008 йиллар ичида банкротлик механизми орқали сотилган 83 та корхонанинг негизида 92 дан ортиқ янги йўналишдаги ишлаб чиқаришлар ташкил этилиб, уларга 350 млрд. сўмлик инвестициялар жалб

қилинаётганлиги, 9800 дан ортиқ иш ўринлари яратилаётганлиги иқтисодийетимизда банкротлик институтининг муҳим рол ўйнашидан далолат беради.

Кўрилган тадбирлар натижаси республика бўйича иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг сони камайишига имкон берди.

Ўтган 2008 йил мобайнида вилоятда илгари хусусийлаштирилган, кам қувватли, паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарда инвестиция киритиш, модернизация қилиш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш йули билан ихчамлаштириш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни тиклаш, унинг ҳажмини ошириш, иш ўринларини тиклаш ва янгиларини яратиш мақсадида Дастур ишлаб чиқилди ва вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланди.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида аксарият корхоналар фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Вилоятдаги 3 та корхонани (*“Нафис” ОАЖ*, *“Жомбой текс” МЧЖ ХК*, *“Гулобод” МЧЖ*) босқичма-босқич тижорат банкларига сотиш белгиланди.

Самарканд туманидаги «Гулобод» маъсулияти чекланган жамияти ТИФ “Миллий банк” балансига ўтказилди.

“Нафис” очиқ акционерлик жамиятини жорий йилнинг феврал ойида аукцион савдоларида сотиш ва инвестиция киритиш белгиланди.

Жомбой туманидаги “Жомбой текс” маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси мол-мулкани ким-ошди савдосида сотиш бўйича эксперт гуруҳи томонидан тегишли хулоса берилди ва бугунги кунда ушбу корхонага 1,0 млрд. сум миқдорида инвестиция киритиш бўйича чет эллик инвестор томонидан ташаббус билан чиқилди.

Паст рентабелли, фаолият юритмаётган, кам қувватларда ишлаётган, зарар кўрган ва иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, корхона таъсисчилари томонидан инвестиция киритиш, янги иш

ўринлари яратиш бўйича 73 та корхона фаолияти устидан доимий мониторинг ўрнатилган.

Ушбу Дастурга киритилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятлари натижалари ҳар ойда вилоят ҳокимлигида муҳокама этилиб келинмоқда.

Соғломлаштириш дастурига киритилган корхоналарнинг 6 тасига нисбатан (*“Троллейбус саройи” ШК, “Нафис” ОАЖ, “Вено-Фуд” МЧЖ, “ХАТП-9” МЧЖ, “Хужум” ОАЖ, “Жомбой текс” МЧЖ ХК*) банкротлик таомиллари қўлланилди. Шулардан, «Троллейбус саройи» ШК 443,4 млн. сумга, «Вено-Фуд» МЧЖ 748,8 млн. сумга, «Хужум» ОАЖ 300,6 млн. сумга мулкӣ мажмуа сифатида салоҳиятли инвесторларга сотилди.

- 3 таси (*“Самарқандкимё” ОАЖ, “8-март” ОАЖ ва “Самарқандсувқурилишиндустрия” ИЧБ*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июль кундаги ПҚ-672 сонли қарорига асосан давлат улушларини сотиш бўйича савдога чиқарилган бўлиб, ўтган йил мобайнида “8-март” ОАЖ ва “Самарқандсувқурилишиндустрия” ИЧБ лардаги давлат улушлари инвесторларга сотилди.

- 67 та корхонада соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда, шундан:

2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 67 та корхонадан 59 тасида (88,1%) ижобий ўзгаришларга эришилган. Жумладан, 2008 йил якуни бўйича соғломлаштириш дастурига киритилган корхоналарда 31,1 млрд. сўмлик маҳсулот реализация қилинган ёки йил бошига нисбатан ўсиш суръати 164,2% ни ташкил этган. Инвесторлар томонидан 24,0 млрд. сўмлик ва 1919,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиб, 393 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд лифтсозлик” акционерлик жамиятида чет эл инвестицияси киритиш ҳисобига 2008 йил давомида 4475,0 млн. сўмлик, ёки 2007 йилга нисбатан 995,0 млн. сўмлик қўп маҳсулот ишлаб

чиқарилган булиб, шундан 840,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Жомбой туманида жойлашган “Диамонд гласс” МЧЖда соғломлаштириш Дастурига кўра корхонанинг таъсисчи томонидан шишадан уй-рузғор буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 300,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Натижада 01.01.2009 йил ҳолатига корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 140,0 млн. сўмни ташкил этди .

Иштихон туманидаги “Ал-Носир” МЧЖда соғломлаштириш Дастурига киритилган, «Савдогарбанк»дан олинган 800,0 млн. сумлик кредит ва корхона таъсисчиси томонидан киритилган 300,0 млн. сўмлик инвестиция ҳисобига ёғни экстракция қилиш линияси ва бошқа зарур механизмлари келтирилиб, ўрнатилди. Ҳозирги кунда ўрнатилган ускуналар ишчи гуруҳи томонидан текширилиб далолатномалар орқали тасдиқланди. Ушбу корхона ишга туширилиши натижасида 150 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Нарпай туманидаги “Афросиёб” МЧЖда корхона таъсисчиси томонидан киритилган 600,0 млн. сумлик инвестиция ва 380,0 АҚШ доллари миқдоридаги банк кредити ҳисобига бир йилда 100,0 минг тонна гипс ишлаб чиқариш қувватига эга булган линия ва бошқа зарур машина-механизмлар олиб ўрнатилди. Шунингдек керакли транспорт воситалари харид қилинди. Ҳозирда корхонада синов-созлаш ишлари амалга оширилмоқда. Корхона ишга тушгач 80 та янги иш ўринлари яратилади.

Фаолият курсатмасдан турган ёки камқувватда ишлаётган корхоналарни ихчамлаштириш, таркибий ўзгартириш натижасида ушбу корхоналар негизида ихчам, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган корхоналар ташкил этилмоқда. Самарқанд шаҳри Фарҳод қурғонидаги “Самарқанд уй қурилиш комбинати” МЧЖга қарашли булган ва фойдаланилмасдан турган биноларда шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Почвон Р.Р.” МЧЖ, собиқ “Илёс” ХТФнинг биноларида қишлоқ хужалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган “Сафобахш

сифат маҳсулотлари” МЧЖ ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ангора текстил” МЧЖ, “Самарқанд консерва” МЧЖ негизида “Сам грейл” МЧЖ, “Орифен” қушма корхонаси ва “Файз консерва” МЧЖ каби корхоналар ташкил этилди.

2008 йил мобайнида Дастурга киритилган “Самарқандкимё” ОАЖда 2472,7 минг АҚШ доллари, “Самарқанд лифтсозлик” ОАЖда 840,0 минг АҚШ доллари, “Самарқандконсерва” МЧЖда 191,0 минг АҚШ доллари, “Булунғур меваси” қушма корхонасида 151,1 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинган бўлса, «Бофанда» ОАЖда 101,8 минг АҚШ доллари, “Ост-Фут” МЧЖда 226,2 минг АҚШ доллари, “Сам грейл” МЧЖ, “Орифен” қушма корхонаси ва “Файз консерва” МЧЖ каби корхоналар 2008 йил мобайнида ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиб, вилоятдаги экспортёр корхоналар сонини оширишди.

Шунингдек, соғломлаштириш дастурига киритилган Тайлоқ туманидаги “Сиёб чашмаси” МЧЖ, Оқдарё туманидаги “Ост-Фут” қушма корхонаси, Каттақурғон шаҳридаги “Каттақурғон сут” МЧЖлар фаолиятида ижобий натижаларга эришилган.

Лекин ижобий натижалар билан бир каторда бир неча корхоналар (Самарқанд шаҳридаги “Самжилстрой” ОАЖ, “Восток продукт” МЧЖ, “Отель Самарқанд” МЧЖ, “Отель Турист” МЧЖ, собиқ тери тайёрлаш корхонаси, Каттақурғон туманидаги собиқ “Навруз парранда” МЧЖ, Булунғур туманидаги собиқ Ф.Йулдош номли ва собиқ М.Улуғбек номли хужаликлардаги узумни қайта ишлаш корхоналар ва Пайариқ туманидаги собиқ маҳаллий саноат корхонаси) фаолияти қониқарсиз бўлиб, ушбу корхоналар бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги” қарорига мувофиқ 2009 йил 1 январдан бошлаб аввал хусусийлаштирилган корхоналар-сотилган товарлар

(ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги чорақда объектив сабабларсиз, солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда жорий этилган мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ туловчилар солиқ органи билдиришномаси орқали умумжорий этилган солиққа тортиш режимида ўтиш тартиби белгиланганлиги илгари корхоналарни хусусийлаштириб олиб, бугунги кунда ушбу корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқмаётган мулкдорларга нисбатан иқтисодий таъсир чорасини куллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ва 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларида сотиш тўғрисида”ги Фармойишининг асосий мақсади иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган. Мазкур фармонга асосан Самарканд шаҳридаги «Гулобод» маъсулияти чекланган жамияти ТИФ “Миллий банк” балансига ўтказилди.

Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 23 февраль куни “Республика Мулк-Аукцион” давлат унитар корхонасида банкрот деб эътироф этилган “Нафис” акционерлик жамияти мулкый мажмуа сифатида сотиш бўйича тижорат банклари ўртасида ёпиқ аукцион савдолари ўтказилади.

2009 йилдаги вазифалардан яна бири ДСҚси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда фаолият юритмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш юзасидан тегишли тадбирларни амалга оширишдир. Агар бу корхоналар фаолиятида тегишли ижобий ўзгаришлар кузга ташланмаса уларга нисбатан қатъий чоралар қўриш белгиланган.

Президентимиз 2009 йилнинг иккинчи муҳим устувор йўналиши ҳақида яъни иқтисодий таркибий ўзгартиришлар тўғрисида гапирар экан, маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарларининг жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш баҳонасида, ҳеч кимга керак бўлмаган, омборларда тахланиб ётадиган сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишлари қаттиқ танқид қилинди.

Ва бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ортиқ бўлиб, аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолаётганлигини, бундай вазиятни яъни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш тўғрисида талаб қилдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу соҳада ҳам охирига етмаган муаммолар мавжудлигини сезмоқдамиз.

Бизнинг айрим давлат органларининг сусткашлик, ишга принципиал ёндошмаётганлиги, маҳаллий ҳокимиятларнинг “индамаслик куйи”га ўчиб, ҳудудларда ночор корхоналар сонини кўпайтираяптилар. Ана шундай корхоналар Андижонда 10 та, Фарғонада 8 та, Намангандан 7 та, Тошкент вилоятида 11 та, Тошкент шаҳрида 18 таси ночор бўлиб сақланиб қолмоқда.

Ёки, Тошкент вилоятида 8 та, Тошкент шаҳрида 18 та, Хоразм вилоятида 5 тадан корхоналар зарар кўриб тегишли чораси кўрилмаган.

Худди шундай ҳудудий дастурга кирган корхоналарнинг 60 тасида, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида 1 тадан, Наманган вилояти бўйича 2 та суд санацияси жорий этилган корхоналарда ижобий кўрсаткичларга эришилмаганлигига қарамасдан, ушбу ҳудудлардаги давлат органларида уларга нисбатан зарурий чоралар кўриш етишмаяпти.

Шунинг учун, бу соҳадаги биринчи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бу жорий йилнинг 1 мартигача, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган, барча иқтисодий корхоналарни, айниқса енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги барча корхоналарни молиявий ҳолатини

тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларга нисбатан кескин банкротлик чорасини қўллаш тўғрисидаги тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий-иқтисодий ахволини таҳлил қилиш ва таркибий жихатдан ўзгартириш бўйича:

Зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятидаги ўзгариш тенденциялари (туманлар ва тармоқлар кесимида) таҳлили.

Зарар билан ишлаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, тугатиш борасида олиб борилган ишлар ва қўлланган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 декабр ҳолатига йил бошига нисбатан иқтисодий ночорлик аломатлари бўлган корхоналар сони жами 7 тага камайиб 6 тани ташкил қилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарнинг “Ўзавтосаноат” уюшмаси тизимида 1 тага, «Ўзагроташсервис» уюшмаси тизимида 4 тага, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси тизимида 1 тага ва хокимлик тизимида 1 тага камайган.

2008 йил январ-ноябрь ойлари давомида жами 14 та корхонада иқтисодий ночорлик аломатлари кузатилиб, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатларини бартараф этиш юзасидан тўлов интизоми ва шартномалар амалиётини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлари натижасида 8 та корхонанинг иқтисодий ночорлик аломатлари бартараф этилган.

2008 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд корхоналарнинг 3 таси Самарқанд шаҳрида (*“Иссиқлик манбаи” ОАЖ, “Самарқанд электртармоқлари” ОАЖ, “Самарқандкимё” заводи*), 1 таси Каттақўргон шаҳрида (*Каттақўргон шаҳар “Сувоқова” ИЧБ*), 1 таси Пастдарғом туманида (*Пастдорғом “Сувоқова” ИЧБ*) ва 1 таси Қўшработ туманида (*“Қўшработ МТП” ОАЖ*) жойлашган.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан коммунал соҳа корхоналарида (4-тасида - вилоят *“Иссиқлик манбаи” ОАЖ, Каттақўргон шаҳар “Сувоқова” ИЧБ, Пастдорғом “Сувоқова” ИЧБ* ва *“Самарқанд электртармоқлари”*

ОАЖ), «Ўзкимёсаноат» ДАК тизимидаги «Самарқандкимё» ОАЖ корхонасида сурункали равишда айланма маблағларининг танқислиги кузатилиб келинмоқда.

Зарар билан фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 2008 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 3 тани ташкил қилиб (*«Иссиқлик манбаи» ОАЖ, Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ИЧБ ва «Нафис» ОАЖ*), ҳаммасида давлат улуши мавжуд. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан зарар билан ишлаётган корхоналарнинг сони ўзгармаган.

Зарар билан ишлаган корхоналарнинг 3 таси ҳам Самарқанд шаҳрида жойлашган.

2008 йил январ-ноябр ойлари давомида 6 та корхона зарар билан фаолият кўрсатган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, харажатларни қисқартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида 3 та корхонанинг зарарли фаолияти бартараф этилган.

Зарар билан ишлаётган 1 та (*«Нафис» АЖ*) корхонаси хўжалик судининг қарори билан банкрот деб эътироф этилган ва бугунги кунда аукцион савдоларига чиқарилган.

Бундан ташқари корхоналар фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд:

а) “Пахтасаноат”, “Автойўл” ва “Узағромашсервис” уюшмаси тизимидаги корхоналарда айланма маблағлар етишмовчилиги кузатиб борилмоқда, яъни тўловчанлик қобиляти 125% белгиланган бўлса, тизимдаги корхоналарнинг тўловчанлик қобиляти ўртача 103-105% га тўғри келмоқда. Айрим корхоналарда эса рентабеллик даражаси йилдан-йилга пасайиб келмоқда, таҳлиллар бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарилган

махсулотларининг таннархи ва давр харажатлари купайиши хисобига эканлигини курсатмокда.

Айланма маблағлар миқдорини кўпайтиришнинг асосий йўли эса соф фойдани купайтириш ва янги сармоялар жалб этишдир.

Шу билан бирга, тахлиллар кейинги пайтларда корхоналар томонидан олинган соф фойда асосан акционер (улушдор)лар уртасида тўлик дивидендларга тақсимланиб, корхонани ривожлантириш ва уни қайта куролантириш ишларига деярли ажратилмаётганлигини курсатмокда.

Шунинг учун, акциядор (улушдор)лар томонидан корхоналарнинг йил натижаларига кура олган соф фойдасини 3-5 йил давомида дивиденд хисобига тарқатилмасдан, балки уни ривожлантириш учун йуналтиришлари мақсадга мувофиқ булади. Уз навбатида, айниқса давлат улушига эга корхоналар кузатув Кенгашлари ва раҳбарларига ишлаб чиқараётган махсулотининг таннархини пасайтириш ва амалга оширилаётган давр харажатларини камайтириш борасида кескин чоралар куришлари. Жумладан корхоналарда йил натижаларига кура утқазилаётган умумий йиғилишларда «Харажатлар сметаси»ни белгиланган тартибда тасдиқлаб олиш ва ижрочи директорлар томонидан унинг бажарилишини каттик назоратга олган ҳолда ҳар чоракда мазкур масала юзасидан уларнинг ҳисоботини эшитиб тегишли қарорлар қабул қилиб бориш зарур булади.

б) Барча пахтани қайта ишлаш заводларига Ҳукуматнинг қарорига асосан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарздорлиги 2009 йилгача тўлов муддати кечиктирилган. Бундан ташқари 2007 йил 25 декабрдан бошлаб яна маълум миқдордаги боқимонда қарзлари қисқа муддатга, яъни 3 ойга кечиктирилган.

Солиқ тўловларнинг ўсиб боришининг асосий сабаби эса бу сотилган махсулот учун маблағ келиб тушмасдан вилоят “Пахтасаноат” бирлашмаси олдида бўлган кредиторлик қарздорлиги камайиши эвазига ҳисоб-китоб қилинган (взаиморасчёт).

Кўриниб турибдики, Ҳукумат томонидан шунча имтиёзлар яратилса ҳам, ҳаттоки жорий йилда ҳисобланган қарзлар ҳам тўланмасдан келмоқда.

Бу ҳолат давом эттирилган тақдирда 1-2 йил ичида корхонанинг мажбуриятлари тўлиқ бюджет олдидаги боқимонда қарзларидан иборат бўлиб қолиши эҳтимоли бор.

Бунинг учун корхонани ишлаб чиқариш захираларининг ҳаққонийлигини ўрганиш юзасидан инвентаризациядан ўтказиш;

- сотилган маҳсулотларнинг маблағ кўринишида корхоналарнинг ҳисоб-рақамига келиб тушиш чораларини кўриш тавсия этилади.

в) Вилоятдаги саноат корхоналари доимий равишда энергоресурслар таъминоти муаммосига дуч келиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиши эвазига доимий харажатлар ҳисобига олинган фойдаси камайиб бормоқда ёки зарарли фаолият кўрсатишига сабаб бўлиб қолмоқда. Бу асосан ғишт заводлар, темир-бетон, текстил ва йирик саноат (*Нафис, Самарқандкимё ва бошқалар*) корхоналарига куз ва қиш фаслида тўғри келмоқда. Бундан ташқари, электроэнергия хабар берилмасдан ўчирилиши натижасида кўп корхоналар моддий зарар ҳам кўриб келмоқда.

Бунда, вилоятлараро табиий газ ва электроэнергия тақсимотини ҳақиқий талабдан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш;

- саноат корхоналари электртаъминотини мустахкамлаш мақсадида алоҳида, ҳалқ истеъмолидан ҳоли трансформатор подстанциялар ўрнатилиши чораларини кўриш.

г) «Узағромашсервис» уюшмаси тизимидаги вилоят МТП корхоналарининг асосий муаммоси, бу кишлоқ хужалик корхоналари билан узаро ҳисоб-китоблар вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли тулов муддати куп йиллардан буён муддати ўтказиб юборилган ва ундирилмайдиган дебиторлик қарзларининг вужудга келганлигидир. Бюджет олдидаги боқимонда қарзлари эса солиқ органлари томонидан вилоят

хўжалик судининг қарорлари орқали корхоналарнинг мол-мулки ҳисобига ўндирилиб келинмоқда.

Бунинг учун МТПларнинг дебиторлик қарзлари қайтадан инвентаризациядан ўтказиш ва вилоят хўжалик суди ёки бошқа ваколатли органлар орқали ўндириш чораларини куриш. Умидсиз қарзларини эса ҳисобдан чиқариш;

- “Қўшработ МТП” АЖ молиявий фаолиятини тиклаш имкониятлари йўқлигини инобатга олиб, корхонага нисбатан банкротлик тамойилининг тугатиш жараёнини қўллаб, ягона мулкый мажмуа сифатида салоҳиятли инвесторга сотиш тавсия этилади.

д) Автотранспорт корхоналарининг кишлок хўжалик корхоналари олдида ҳосил бўлган дебиторлик қарзларини ўндириш доимий муаммо бўлиб қолган, яъни кишлок хўжалик корхоналарига факатгина махсус ҳисоб рақамларига мақсадли маблағлар келиб тушиб, транспорт корхоналарига туловлар кузда тутилмайди.

Бундай ҳолат эса транспорт корхоналарининг бюджет олдидаги боқимонда қарзларининг ўсиб боришига олиб келиб, жойлардаги солиқ инспекциялари томонидан қарздорликни ўндириш мақсадида хўжалик судининг қарорлари орқали корхоналарнинг мол-мулки хатланиб савдога чиқарилмоқда. Натижада, корхона мол-мулклари сотилиб автокорхонани йўқотиш ҳавфи туғилмоқда.

Ушбу автотранспорт корхоналарининг аксарият қисми ҳарбийлашган (военизированные) сифатида Давлат аҳамиятига эга бўлганлигини инобатга олиб, кишлок хўжалик корхоналарига ажратиладиган транш маблағларида транспорт харажатларини кузда тутилиши, ёки алоҳида маблағ ажратилиши;

- корхоналарнинг айланма маблағидаги ишлаб чиқариш захиралари ва дебиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказиш ва раҳбариятнинг корхона фаолиятини тиклаш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Вилоятдаги фаолият кўрсатмаётган, кам қувватларда ишлаётган саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш дастурининг ижроси бўйича:

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш, иқтисодий ночор, паст рентабелли корхоналарни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ёки тугатиш асосида самарали рақобатга қодир бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича вилоятдаги тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2008 йил давомида 4 та йиғилиши ўтказилди ва дастурларга киритилган корхоналарнинг молиявий фаолиятини тиклаш учун тақдим этилган таклифлари ва муаммолари муҳокама қилиниб, вилоятдаги тегишли ташкилот раҳбарларига корхоналарнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш учун топшириқлар берилган.

Давлат мулкани бошқариш вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда аввал хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти инвентаризация қилиниб, унга кўра 58 та фаолият юритмаётган ёки 50 фоиздан кам қувватда ишлаётган корхоналар аниқланди. Бу корхоналарни соғломлаштириш бўйича вилоят Дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 мартдаги 02-15-48-сонли йиғилиш баённомаси қарори билан маъқулланди ва вилоят ҳокимининг 2008 йил 18 мартдаги 35-Қ сонли қарорига асосан тасдиқланган.

Шунингдек, аввал хусусийлаштирилган, фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватларда ишлаётган корхоналарни аниқлаш мақсадида қайта инвентаризация ўтказилиб молиявий-хўжалик фаолиятлари жойларга чиқиб таҳлил қилинди.

Вилоятда илгари хусусийлаштирилган, фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватларда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва янги ишчи ўринларини яратиш бўйича 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастури қайта ишлаб чиқилди ва қўшимча

15 та корхона аниқланиб дастурга киритилди ҳамда вилоят мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил 16 майда ўтказилган йиғилиш қарорига асосан бу корхоналарнинг мулкдорлари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар маъқулланган.

Дастурга киритилган 73 та корхонанинг соғломлаштириш тадбирларининг бажарилиши бўйича мониторинг ўрнатилди ҳамда вилоят ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари билан биргаликда тегишли чоралар белгиланиб ишлар олиб борилди.

Қисқа вақт ичида 7 та корхона янги мулкдорларга сотилди ва бу корхоналарга янги мулкдорлар томонидан жами 8,8 млрд. сўмлик ва 6,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш белгиланди.

- 3 та (*«Хужум» ОАЖ, «9-ХХАТК» ОАЖ, «Жомбой текс» ХК*) корхона банкрот деб эътироф этилган бўлиб, бугунги кунда тугатиш жараёни давом эттирилмоқда;

- 3 та (Самарқанд шаҳридаги *«Нафис» ОАЖ, «Турист» меҳмонхонаси, Каттақўрғон шаҳридаги «Каттақўрғон фирмаси» МЧЖ*) корхона салоҳиятли инвесторларга сотиш учун савдога чиқариш ишлари олиб борилмоқда;

Олиб борилган ишлар ва қўрилган амалий чоралар натижасида 59 та корхонада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан:

- 40 та корхонада ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми ошган ва шундан 34 тасида 20 фоиздан ортиқ оширишга эришилди;

- 19 та корхона ва объектларда мулкдорлари томонидан инвестиция киритиш эвазига корхоналарда реконструкция ишлари давом эттирилмоқда.

Дастурга киритилган корхоналарда бугунги кунда 5499 та ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 393 тага кўпайган ҳамда 24002,3 млн. сўм ва 1919,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган.

Шу билан бирга, 8 та (Самарқанд шаҳридаги *“Самжилстрой” ОАЖ, «Восток продукт» МЧЖ, Собиқ “Отель Самарқанд” МЧЖ, Собиқ “Терини*

тайёрлаш фабрикаси”, Пайриқ туманидаги «Али бобо» ф/х балансидаги 2 та ишлаб чиқариш биноси, Булунғур туманидаги Собиқ “М.Улуғбек” МЧЖ бинолари, Каттақўрғон туманидаги “Наврўз паранда” АЖ, Самарқанд туманидаги “Спецселхозмехмонтаж” МЧЖ (собиқ “Чорватехсервис”) корхоналарида дастурнинг бажарилиши юзасидан ижобий натижа кузатилмаяпти, ўтган йилга нисбатан ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми камайиб кетган ва белгиланган чора-тадбирлар бўйича ишлар бошланмаган.

**2008 йилда иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш
дастурларининг бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№ п/п	Худудлар	Согломлаштириш дастуридаги корхоналар сони	Реконструкция ишлари кетиётган корхоналар	Янги корхоналар	Ижобий натижага эришган корхоналар	И/ч ҳажмини 1,2 баробардан оширган корхоналар	Ишчилар сони		Ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сум)		Киритилган инвестиция	
							01.01.08 й. ҳолатига	01.01.09 й. ҳолатига	01.01.08 й. ҳолатига	01.01.09 й. ҳолатига	млрд. сум	млн. АҚШ доллари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Қорақолпоғистон Р.	37	4	2	27	24	1 676	2 087	11,8	16,6	1,7	1,1
2	Андижон	37	8	1	24	22	2 407	5 678	6,8	33,8	3,5	30,6
3	Бухоро	49	6	3	35	24	1 521	2 012	7,7	14,2	4,6	5,2
4	Жиззах	27	7		17	17	482	804	1,8	4,6	4,9	15,0
5	Қашқадарё	31	1	4	23	23	1 326	1 473	8,5	7,4	2,4	
6	Навоий	27	3		21	19	2 394	2 420	33,8	32,6	3,4	6,3
7	Наманган	36	4	2	26	16	1 190	1 365	4,1	6,6	0,9	1,3
8	Самарқанд	51	11		34	29	4 159	4 412	21,0	30,1	22,6	1,8
9	Сирдарё	16	4		11	10	598	943	8,6	32,2	1,0	2,0
10	Сурхондарё	37	2	4	27	16	3 237	3 365	9,8	12,4	1,5	2,1
11	Тошкент вил.	37	3	1	29	27	11 753	12 371	105,7	141,9	12,4	27,7
12	Фарғона	52	9	1	36	20	3 906	4 250	14,1	26,5	3,7	12,3
13	Хоразм	61	1	3	50	24	3 405	3 946	20,3	25,3	7,1	0,7
14	Тошкент ш.	63	12	1	44	43	8 890	10 815	106,5	149,4	7,2	8,7
	Жами	561	75	22	404	314	46 944	55 941	360,4	533,5	76,9	114,7

Инвестиция киритиш эвазига бепул берилган корхона ва объектларга инвесторлар томонидан киритилган инвестициялар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли, 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПП-29-сонли, 2006 йил 10 июлдаги 407-сонли ва 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли

қарорларига асосан вилоятдаги 35 та корхона ва объектлар инвестиция киритиш мажбуриятлари эвазига «нол» қийматда сотиш белгиланган.

Вилоят танлов комиссиясининг қарорларига биноан 23 та корхона ва объектлар бўйича танлов ғолиблари аниқланиб, улар томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режаларга асосан 2009 йил 1 январгача жами 843,9 млн.сўмлик инвестиция киритиш белгиланган, ҳақиқатда жами 955,6 млн.сўмлик инвестиция киритилган, 111,7 млн.сўм кўп инвестиция киритилган.

«Жомбой босмахонаси» МЧЖнинг 60% давлат улуши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли қарорларига асосан 2008 йил 23 декабрда утказилган танлов савдосида танлов ғолиби З.Сапаровага 25,2 млн. сум инвестиция киритиш мажбурияти билан нол қийматда берилди.

Шу билан бир қаторда 2 та корхона (*«Гўзалкент» киновидео» ОАЖ* ва *«Оқдарё босмахонаси» МЧЖ*) тегишли туман хокимларининг қарорларига мувофиқ давлат реестридан чиқарилган ва 1 та объект (*Ўқув тажриба Маркази бинолари*) Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қўшилган.

Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қарашли тез тиббий ёрдам маркази ҳудудида жойлашган «Маъруза аудиторияси» биноси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли қарорларига асосан 2008 йил 23 декабрда утказилган танлов савдосида танлов ғолиби «AL-KARON» куп тармокли хусусий ишлаб чиқариш фирмасига 950,0 млн. сум инвестиция киритиш мажбурияти билан нол қийматда берилди.

Инвестиция киритиш эвазига бепул берилган корхона ва объектларда 01.01.2009 йил ҳолатига 1283,5 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва хизматлар кўрсатилган, бугунги кунда 508 та ишчи ва ходимлар фаолият

кўрсатиб, бу кўрсатгич инвесторларга сотилган даврга нисбатан 27 тага кўпайган.

2.3. Самарканд вилоятида давлат кумаги оркали молиявий соғломлаштирилган корхоналар тахлили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг корхоналарни молиявий-иқтисодий фаолиятини соғломлаштиришга қаратилган Қарорлари, вилоят Дастурининг бажарилишини таъминлаш ҳамда корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ва зарар кўриб ишлашининг олдини олишга қаратилган, молиявий ахволини яхшилаш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

Судгача санациядан утказиш тартиби тугрисида Низом «Банкротлик тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тугрисида» 1999 йил 23 июлдаги ПФ-2342-сон Фармонида мувофиқ банкротлик аломатларига эга бўлган корхоналарни соғломлаштириш ҳамда уларнинг тулов қобилиятини тиклаш мақсадида утказиладиган судгача санациялаш масалаларини тиртибга солади.

Судгача санациялаш банкротликнинг олдини олиш мақсадида корхона – юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), давлат томонидан қарздор корхонанинг тулов қобилиятини тиклаш бўйича чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Судгача санациялаш қарздор корхонанинг банкротлиги тугрисида иш қузгатилгунгача амалга оширилади ва қарздор корхонанинг тулов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ҳамда унинг келгусида самарали фаолиятни амалга ошириш учун шароитлар яратишни мақсад қилиб қуяди.

Давлат томонидан қуллаб-қувватланган ҳолда қарздорни санациядан утказиш ун икки ойдан йигирма турт ойгача бўлган муддатга жорий этилади.

Ушбу Низомнинг амал килиши «Кишлок хужалиги корхоналарини санациялаш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга ошириладиган кишлок хужалиги корхоналарини судгача санациялашга татбиқ этилмайди.

Қарздор қорхона-юрйдик шахснинг муассислари, қарздор қорхона мулкининг эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар санациялаш субъектлари бўлиши мумкин.

Қарздор қорхона санациялаш объекти ҳисобланади.

Қуйидагилар биринчи навбатда санация қилинади:

ҳаётий муҳим озик-овқат ва ноозик-овқат халқ истеъмоли моллари ҳамда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи қорхоналар;

давлат Мудофаа қудрати ва ҳавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи қорхоналар;

республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган базавий тармоқлар (қон қазйш, энергетика, металлургия, қимё ва бошқа тармоқлар) қорхоналари;

рақобатга бардошли, экспортбоп, импортнинг ўрниин босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қорхоналар;

замонавий, юқори ўнумли техника ишлаб чиқаришни ва иқтисодиёт соҳасига янги, прогрессив, ресурсни тежайдиган технологияларни жорий этишни таъминладиган қорхоналар;

шаҳарни ташкил этувчи қорхоналар ва уларга тенглаштирилган қорхоналар.

Ғоолиятни давом эттириш учун қарздор қорхонанинг тулов қобилиятини тиклашнинг аниқ имқонияти мавжудлигидан далолат берадиган молия ва хужалиқ ғоолияти таҳлили натижалари иқтисодий нўчор қорхоналарни санация қилинадиган объектлар қаторига қиритишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Санациялаш ҳам туланадиган, ҳамда туланмайдиган асосда давлат маблағлари иштирокида ёки иштирокисиз, шу жумладан, танлов асосида куйидаги йуллар билан амалга оширилиши мумкин:

карзларни узаро суришишни ташкил этиш;

тулов муддати утган карзларни тулик ёки кисман тулаш;

ишлаб чиқаришни ракобатбардошли махсулот чиқаришга кайта ихтисослаштириш;

четдан юкори малакали мутахассисларни жалб жалб этиш;

ходимларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш;

карздор корхонанинг тулов кобилиятини тиклашдан ва унинг фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор булган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам курсатиш;

кредиторга туловлар муддатини узайтириш ва уларни булиб-булиб тулаш ёки карздор корхонанинг фаолиятини давом эттириш учун карзлардан чегириш тугрисида улар уртасида ахдлашувга эришишга йуналтирилган карздор корхона ва кредитор (кредиторлар) уртасида битим тузиш;

судгача санациядан утказиш муддатида мажбурий туловларни тулаш ва кредитларни кайтариш муддатини кечиктириш ва булиб-булиб тулаш, хисобланган пеня ва жарималарни хисобдан чиқариш;

юридик шахс – карздор корхонани кайта ташкил этиш;

карздор корхонани молиявий соғломлаштиришга ёрдам берадиган бошка чора-тадбирларни амалга ошириш.

Давлат маблағларини жалб этган холда санациялаш куйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

Муддати утказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик карзларни кискартириш ва бюджетга туловлар интизомини мустахкамлаш буйича Республика комиссияси қарорига биноан судгача булган санациялаш муддатида мажбурий туловларни тулаш, илгари ажратилган давлат кредитларини кайтаришни кечиктириш ва булиб-булиб тулаш, шунингдек

хисобланган пеня ва жарималарни хисобдан чиқариш шаклида давлат маблағларини жалб этиш;

Давлат маблағларини жалб этган ҳолда санациялаш таомили Ҳукумат қарорларига биноан бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин;

Давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда санациялаш ўтказилишида қарздорга хизмат қўрсатувчи банкда илгари амал қилган ҳисоб рақамлари тухтатилган ҳолда санациялаш бўйича сумда ва валютада ҳисоб рақами очилади;

Қуйидагилар санациялаш учун маблағлар манбалари ҳисобланади:

корхоналар эгалари, кредиторлар, бирлашмалар (ҳужалик уюшмалари), бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдами;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағлари.

Аввал хусусийлаштирилган ва кам қувватда ёки фаолият юритмаётган корхоналарни фаолиятини тиклашга қаратилган механизмлар:

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29-декабрдаги ПҚ-1024 сонли “2009 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини прогноз қилиш тўғрисида”ги қарори, 8 банди:

“2009 йил 1 январдан бошлаб аввал хусусийлаштирилган корхоналар ягона солиқ тўловчи икки чорак давомида объектив сабабларсиз савдо ҳажмини (иш, хизмат), ҳисобланиши мумкин бўлган мол-мулк ва ер солиғининг 10 баробаридан камини ташкил қилса, белгиланган тартибда умумий солиққа тортилади”.

Республикада аниқланган кам қувватларда ишлаётган ёки фаолият кўрсатмаётган корхоналар бўйича ЙИҒМА МАЪЛУМОТ		
№	Тармоқлар	Жами корхоналар сони

1	Саноат корхоналари	124
2	Хизмат кўрсатувчи корхоналар	23
3	Қурилиш корхоналари	16
4	Бўш турган объектлар	4
Жами		167
Шу жумладан: Самарқанд вилоятида - 18 та; Навоий вилоятида - 7 та; Бухоро вилоятида - 15 та.		

Мамлакатимизда иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2010 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури” 2009 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши” деб белгилаб берилди.

Ушбу устивор йўналишнинг ижросини таъминлашда авваломбор Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилган “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 4058-сонли Фармониға мувофиқ қуйидаги муҳим вазифанинг ижроси устида иш олиб бориш белгиланган:

Жаҳон иқтисодий–молиявий инқироzi пайтида давлат буюртмалари асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга нарх бўйича 20% гача берган “имтиёзлар” ва маҳсулот экспорт қилувчи маҳаллий корхоналарнинг тижорат банклари олдидаги кредит қарзларини тўлаш муддатларини кечиктириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, маҳаллий корхоналарнинг экспорт потенциалини сақлаб қолиш мақсадида уларнинг жаҳон бозори конъюктураси шароитида тижорат банклари олдидаги қарзларини кечиктириб тўлашга имконият бериш юзасидан иш олиб борилади.

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш, иқтисодий ночор, паст рентабелли корхоналарни аниқлаш ва уларни

соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ёки тугатиш асосида самарали рақобатга қодир бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича вилоятдаги тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши ташкил этилган вақтдан бошлаб 12 та йиғилиши ўтказилиб, 56 та корхона фаолияти ва 32 та янги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шундан, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилиш бўйича 16 та лойиҳа маъқулланиб, бугунги кунда 10 тасида ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ йўлга қўйилди.

Вилоятдаги иктисодий ночор, зарар билан ишлаган ва истикболсиз корхоналарни молиявий-иктисодий соғломлаштириш, тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижроси узининг ижобий натижаларини бермоқда.

Олиб борилган ишлар ва курилган чоралар натижасида 2008 йил март ҳолатига 36 та корхонада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан:

- 35 та корхонада уртача ойлик маҳсулот сотиш ҳажми оширилган бўлса, шундан 24 тасида 20 фоиздан ортиқ оширишга эришилди;

- 1 та корхонанинг зарарли фаолияти тугатилди ва 2 та корхонанинг иктисодий ночорлик аломатлари бартараф этилди;

Ҳисобот даврида дастурга киртилган корхоналарда 1116 та иш уринлари яратилди ва тикланди, шундан 173 таси касаначилик бўйича яратилган иш уринлари;

- корхоналарда мавжуд айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш (*хизмат курсатиши*) ҳажмини ошириш мақсадида 54782,4 млн. сумлик ва 1,1 млн. евро миқдорида маблағлар жалб қилинди. Шундан, 44550,6 млн. сум корхоналарнинг ички имкониятлари ҳисобидан, 10231,8 млн. сум киритилган инвестициялардир.

Бундан ташқари, илгари хусусийлаштирилган 490 тадан ортиқ корхоналар фаолиятини урганиш шуни курсатдики, 33 таси мутлақо тухтаб

колган, 45 таси 50 фоиздан ҳам кам кувватларда ишламокда. Бу корхоналарда 15544 тага якин иш уринлари йукотилган.

Бугунги кунда 7 та ана шундай корхоналар банкрот деб эълон килинди, 5 та корхона буйича бундай жараён давом эттирилмокда. Бундай чоратадбирлар узининг ижобий самарасини бермокда. Масалан, киска вақт ичида 16 та корхона янги мулкдорларга сотилди, банкротлик жараёни давомида жами 2359,6 млн. сумлик кредиторлик қарзлари тулаб берилди. Бу корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва экспортга йуналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун янги мулкдорлар томонидан жами 6,9 млрд. сумлик ва 25,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар қиритиш ишлари бошланган.

Вилоятда илгари хусусийлаштирилган, узок муддат фаолият қурсатмаётган, кам қувватда ишлаётган, паст рентабелли, иқтисодий ночор ва зарар қуриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш ва бу билан янги иш уринларини ташкил этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йигилиш қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг бир нечта қарорлари чиққан.

Вилоятдаги иқтисодий ночор, зарар билан ишлаган ва истикболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш ҳудудий дастурининг ижроси буйича:

2007 йилда корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш юзасидан вилоят ҳудудий Дастурларига қиритилган 38 та корхонанинг соғломлаштириш тадбирларининг бажарилиши бўйича мониторинг ўрнатилди ҳамда вилоят ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари билан биргаликда тегишли чоралар белгиланиб ишлар олиб борилди.

Олиб борилган ишлар ва қўрилган амалий чоралар натижасида 35 та корхонада ижобий ўзгаришлар қузатилмокда. Жумладан:

- 35 та корхонада ўртача ойлик маҳсулот сотиш ҳажми ошган ва шундан 22 тасида 20 фоиздан ортиқ оширишга эришилди;

1 та корхонанинг зарарли фаолияти тугатилди ва 2 та корхонанинг иқтисодий ночорлик аломатлари бартараф этилди;

- ҳисобот даврида дастурга киритилган корхоналарда 1116 та иш ўринлари яратилди ва тикланди, шундан 173 таси касаначилик бўйича яратилган иш ўринлари;

- корхоналарга мавжуд айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини ошириш мақсадида 57252,5 млн. сўмлик маблағлар жалб қилинди. Шундан, 45150,7 млн. сўми ички имкониятлари ҳисобидан, 12101,8 млн. сўми киритилган инвестициялардир.

- дастурда турган 5 та корхона негизида 2 та қўшма корхона (*“Ингичка металс”*, *“Мароканд-Силк”КҚ*), 3 та шўъба ва МЧЖ (*“Юкташши” МЧЖ*, *«Каттақўрғон сервис» ШК*, *«Қурувчи чинор» МЧЖ*) ташкил қилинди. Ушбу корхоналарда 379 та ишчи ходимлар фаолият кўрсатиб, 1610,4 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг топшириқларини бажариш мақсадида Самарқанд вилоятидаги олдин хусусийлаштирилган, фаолият кўрсатмаётган, иқтисодий ночор, зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли 41 та корхона ва объектлар аниқланди.

Ушбу 41 та корхоналар бўйича ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий ахволини соғломлаштириш, иқтисодий ночорлик аломатлари булган корхонага нисбатан банкротлик жараёнини кўллаш, қолган корхоналарга мулкдорлари билан келишилган очик танлов савдоларига чиқарилиши белгиланган бўлиб, вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган. Шундан:

- 5 та (*Троллейбус бошқармаси*, *«РСМУ-3» МЧЖ*, *«Каттақўрғон автотранспорт саройи» МЧЖ*, *«Каттақўрғон пила» МЧЖ*, *«Вено фуд»*

МЧЖ) корхона банкрот деб эътироф этилган бўлиб, бугунги кунда тугатиш жараёни давом эттирилмоқда;

- 1 та Булунгур туманидаги (*Товукхона биноси*) объект ширкат хужалигини тугатиш комиссияси томонидан савдога чиқарилиб сотилмаганлиги сабабли тумандаги "Беш кубин" муқобил МТП балансига утқазилган;

- Нарпай туманидаги 2 та (*Собиқ «Оқ олтин» ш/х кинотеатр биноси, Собик «Савдо базаси»*) объект туман Халқ таълим бўлими балансига утқазилган;

- 2 та (*Каттакургон шаҳридаги «Каттакургон фирмаси» МЧЖ-406,6 млн.сумга, Иштихон туманидаги "Толлибой Хожин АТГ" ХК-354,1 млн.сумга*) корхона салоҳиятли инвесторларга сотиш учун савдога чиқарилмоқда;

- 31 та корхонада ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан:

- 11 та (*«Самарқанд консерва» ОАЖ, «Самарқанд уйқурилиш комбинати» МЧЖ, «Тайлоқ консерва» МЧЖ, «10-сон қишлоқ қурилиш корхонаси» МЧЖ, «Иштихон темир бетон» МЧЖ, «Истиклол» МЧЖ, «Жума саноат базаси» МЧЖ, «Панорама гранд» КК, «Кетле-Бизнес» МЧЖ(Каттакўргон гўшт), «Бофанда» ОАЖ, «Каттакўргон сут» МЧЖ*) корхонанинг иш фаолияти йўлга қўйилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ўтган йилга нисбатан ошишига эришилган.

- 15 та (Самарқанд шаҳридаги 1 та (*«Илос» ХТФ*), Иштихон туманидаги 1 та (*«Ал-Носир» МЧЖ*), Каттакургон шаҳридаги 2 та (*«Фантекс» ҚК («Гафатак» ХК), «Каттакўргон нон» МЧЖ*), Булунгур туманидаги 6 та (*«Собиқ «Булунгур» ОАЖ, «Галла омбори», Собик «Пойафзал фабрикаси» ХК, Собик «Ф.Йўлдош» ОАЖ, Собик «9-МККга қарашли бино, Собик «М.Улуғбек» МЧЖ*), (Нарпай туманидаги 4 та (*«8-Март» ОАЖ фабрикаси Собик филиали, «Нарпай» МЧЖ, Собик «Ширин» ОАЖ ва «Зирабулоқ ТСЗ» МЧЖнинг биноси*) ва Пайарик туманидаги 1 та (*«Бунёдкор» жамоа корхонаси*)) корхона

ва объектларда мулкдорлари томонидан инвестиция киритиш эвазига корхоналарда реконструкция ишлари давом эттирилмокда.

Фаолияти бошланган ва реконструкция ишлари олиб борилаётган бу корхоналарда бугунги кунда 855 та ишчи ва хизматчилар фаолият курсатмокда, бу курсатгич йил бошига нисбатан 465 тага кўпайган ҳамда 1287,0 млн. сўм ва 990,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган.

- фаолияти бошланмаган 4 та корхона ва объектларда раҳбарлари ва мулкдорлари томонидан, бу корхона ва объектларнинг фаолиятини йулга қуйиш юзасидан ишлар олиб борилмокда.

- бу корхона ва объектларга дастлаб жами 150,0 млн. сўмлик ва 450,0 минг АҚШ доллари миқдорида (*Собик «Отел Самарқанд» МЧЖ, Бешарик агрофирмаси - 25,0 млн. сум, «Гелион фабрикаси» ОАЖнинг собик филиали - 80,0 млн. сум, Булунгур туман савдо тайёрлов корхонасига - 50,0 млн. сўм*) инвестициялар киритиш белгиланган ва бугунги кунгача 72,0 млн. сўмлик инвестиция киритилган.

Ҳукумат топшириғига асосан Давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси мутассадди ходимлари иштирокида Самарқанд вилоятидаги 256 та саноат корхоналари хатловдан ўтказилиб молиявий-хўжалик фаолиятлари жойларга чиқиб таҳлил қилинди.

Хатлов натижасига кўра жами 58 та корхоналар кам (*50% дан кам*) қувватларда ишлаётган ва фаолият кўрсатмаётганлиги аниқланди.

Таҳлилларга асосан ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодий барқарорлигини тиклаш, ишчи ўринларини тиклаш ва янги ишчи ўринларни яратиш мақсадида вилоят Дастури ишлаб чиқилди. Жумладан:

- 45 та корхонада келажакда ишлаб чиқариш режалари мавжудлиги сабабли дастур асосида соғломлаштиш;

- 8 та корхонани таъсисчилари ва акциядорлари мулкларни ихтиёрий равишда бошқа мулкдорларга ўтказиш ёки сотишга розиликлари

борлигини инобатга олиб, бу корхоналарни янги мулкдорларга, ўзаро келишув асосида инвестицион мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан сотиш;

- 1 та корхонага иқтисодий ночорлик аломатлари мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқариш режалари йўқлиги туфайли ушбу корхонага банкротлик таомили қўллаш.

- 4 та корхона мулкдорлари билан олиб борилган музокаралар натижасида уларнинг келажакда стратегик режалари йўқлиги, шу билан бирга мулкларни салоҳиятли инвесторларга сотиш истаклари ҳам йўқлиги маълум бўлди. Бу корхоналарда банкротлик аломатлари мавжуд бўлмаганлиги туфайли бугунги кунда уларга чора кўриш бўйича механизмлар мавжуд эмас. Лекин шунга қарамасдан бу корхоналар бўйича тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича тегишли ишлар олиб бориш белгиланган.

Дастур асосида соғломлаштириладиган 45 та корхонада 2008-2009 йилларда 38250,2 минг АҚШ доллари ва 6396,1 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиш ва 3003 та янги иш ўринларини яратиш ва тиклаш белгиланган.

Коммунал корхоналарида таркибий узгартириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларининг бажарилиши тўғрисида:

Самарканд вилоятидаги Самарканд вилоят „Сувокова“, шаҳар „Сувокова“ ишлаб чиқариш давлат корхонаси ва вилоят «Иссиқлик манбаи» очик акциядорлик жамиятида таркибий узгартириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари дастурининг 3-боскичи вилоят ҳокимлиги томонидан тасдикланди.

Вилоят “Сувокова” ИЧБ бўйича:

Тасдиқланган чора-тадбирларга асосан уй-жой мулкдорлари ширкати ва маҳалла фукаролар йигини билан биргаликда утказилган инвентаризация натижасида 25.12.2008 йил ҳолатига корхонанинг истеъмолчилар сони

148868 тани ташкил килган ва 3466313,3 минг сумлик икки томонлама шартномалар тузилган.

Бюджет ташкилотларининг мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида қарздорлиги мавжуд бўлган бюджет ташкилотларининг рўйхати ҳар чорақда вилоят молия бошқармасига тақдим этиб келинмоқда.

Мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида 25.12.2008 йил ҳолатига 1476 та, 2139419,1 минг сумлик иш ҳужжатлари суд органларига берилган. Шундан 1331 та, 187320,2 минг сумлик иш бўйича қорхона фойдасига суд қарори чиқарилган.

Йил давомида жами 24 та штат бирликларини қисқартириш режалаштирилган бўлиб, 2008 йил 25 декабр ҳолатига 20 та штат бирлиги қисқартирилган. Шундан 6 тасини бошқарув аппарати ходимлари ташкил қилган.

Режага асосан 109,4 км сув тармоқларини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 41,6 км ёки 38,0 фоиз сув тармоғи таъмирланган.

Бугунги кунда тугатилган ширкат ҳужаликлари балансида бўлган ичимлик суви скважиналарини соз ҳолатда сақлаш ва тугри фойдаланиш мақсадида туманларда ташкил қилинаётган масъулияти чекланган жамиятлар ихтиёрига топширилмоқда.

Самарқанд шаҳар “Сувоқова” ИЧБ бўйича:

Тасдиқланган чора-тадбирларга асосан уй-жой мулкдорлари ширкати ва маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда утқазилган инвентаризация натижасида 25.12.2008 йил ҳолатига қорхонанинг истеъмолчилар сони 103368 тани ташкил қилган. Шундан аҳоли истеъмолчилари сони 100629 тани, бюджет ташкилотлари сони 304 тани ва бошқа истеъмолчилар сони 2435 тани ташкил қилган.

Йукотишлар хажми 2008 йил 25 декабр ҳолатига келиб 54,0 фоизни ташкил қилган. Жорий йил давомида жами 2490 та носозликлар (йукотишлар) бартараф қилинган.

Йил давомида 41 та сув насослари капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 25.12.2008 йил ҳолатига 33 таси ёки 80,5 фоизи таъмирланган.

Кредит маблағлари ҳисобига 2008 йил давомида 39 км сув тармоқларини капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 38,9 сув тармоқларида таъмирлаш ишлари амалга оширилган ва шунда 19,3 км фойдаланиш учун қабул қилинган.

Корхона томонидан 2008 йил 25 декабр ҳолатига 40877 та сувни ҳисоблаш асбоби ўрнатилган.

Мавжуд дедиторлик қарзларини ундириш мақсадида 2008 йил 25 декабр ҳолатига 828 та 1858779,9 минг сумлик иш ҳужжатлари судга берилган бўлиб, шундан 807 таси қуриб қикилган ва 920600,0 минг сумлик дебитор қарзларни ундириш бўйича суд қарори чиқарилган.

Корхонанинг дебиторлик қарзи 2008 йил 1 сентябр ҳолатига 6935,0 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, 2008 йил 25 декабр ҳолатига ушбу курсаткич 7517,6 млн. сўмни ташкил қилган ёки йил бошига нисбатан 582,6 млн. сумга (8,4 %) ошган.

Истеъмомчиларга етказиб берилган жами 5051,4 млн. сумлик ичимлик суви учун 2008 йил 25 декабр ҳолатига 3261,1 млн. сумлик туловлар амалга оширилган ва йигимлар даражаси 64,5 фоизни ташкил қилган.

Вилоят “Иссиқлик манбаи” ОАЖ бўйича:

Жамият томонидан белгиланган чора-тадбирлар режасига асосан аҳоли хонадонларига 34012 дона, бюджет ташкилотларига 53 дона ва бошқа улгуржи истеъмомчиларга 19 дона иссиқ сувни ҳисоблаш асбобларини графиклар асосида ўрнатиш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда аҳоли хонадонларига 21242 та ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган.

Чора-тадбирлар режасида ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган асосий воситалар ва товар-моддий бойликлари сотилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу асосий воситалар ва товар моддий бойликлар руҳати Давлат мулкани бошқариш кумитаси Самарканд вилоят бошкармасига сотиш учун розилик олиш мақсадида тақдим қилинган.

Корхонанинг дебиторлик қарзи 2008 йил 1 январ ҳолатига 4206,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига ушбу курсаткич 5627,2 млн. сўмни ташкил қилган ёки йил бошига нисбатан 1421,0 млн. сумга (33,8%) ошган. Жорий йилнинг январ-ноябр ойлари давомида мавжуд дебиторлик қарзларнинг 695,0 млн. суми ёки 12,3 % ундирилган.

Мавжуд дебитор қарзларни ундириш юзасидан суд органларига мурожаат қилинмасдан ДСИга дебитор қарзи ундириб беришни сураб жами 12 та ҳужжатлар (61,8 млн. сўмлик) тақдим этилган.

Фойдаланишда бўлмаган асосий воситалар ва моддий бойликларни сотиш режалаштирилган бўлсада, бугунги кунга қадар сотилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 30 апрелдаги 77-8-сонли қарорига асосан корхонанинг 2007 йил ҳисобот якунларига қура қурилган 1198,0 млн. сумлик зарари тегишли схемалар орқали коплаб берилди.

Санация режимида фаолият қурсатган корхоналар бўйича:

Вилоятда 2007 йил якунида 1 та корхонанинг, яъни «Ховренко номли Самарканд вино комбинати» ОАЖнинг судгача санация муддати тугади.

2007 йилнинг 1-ярим йиллигида 2 та корхона судгача санация режимида фаолият қурсатиб келган. Шундан «Самарканд лифтсозлик заводи» ОАЖга қулланилган судгача санациянинг муддати 2007 йил 1 майда тугади.

«Самарканд лифтсозлик заводи» ОАЖга *(лифт ишлаб чиқариш)* судгача санация режимида 24 ой давомида *(2005 йил 1 мартдан 2006 йил 1*

мартигача ва 2006 йил 1 майдан 2007 йил 1 майгача) фаолият курсатиб келди.

Санация даврида «Самарканд лифтсозлик заводи» очик акциядорлик жамиятида 2433,0 млн. сумлик махсулотлар ишлаб чиқарилган.

2007 йилнинг январ ойида корхона 75 фоиз давлатга тегишли акцияларини сотиб олган Россиянинг «Пересвет Инвест» ёпик акциядорлик жамияти томонидан 2007-2011 йилларга мулжалланган янги бизнес-режа ишлаб чиқилиб, унга кура 5 йил давомида киритиладиган инвестициянинг умумий миқдори 7000,0 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур бизнес-режага кура 2007 йилда 3587,2 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мулжалланган. Жумладан 1456,3 минг АҚШ доллари хом аше ва материалларнинг 3 ойлик захирасини яратиш учун. Натижада 2007 йилда 3040 млн. сумга 300 дона лифт ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2007 йилнинг 3-чорагида инвесторлар томонидан «Самарканд лифтсозлик заводи» очик акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига жами 1430,0 минг АҚШ доллари (1805,2 млн. сум) миқдорида маблағ туширилиб, корхонанинг бюджет ва нодавлат ташкилотлари олдидаги қарзлари қопланди, шу билан бирга 371,9 млн. сум Россияга ва 335,3 млн. сум Украинага лебёдка ва лифтларни тулдирувчи қисмлари учун қучирилган.

Бугунги кунга келиб жамиятнинг дебиторлик қарзи 757,8 млн. сумни, кредиторлик қарзи эса 464,4 млн. сумни ташкил этмоқда, тулов муддати утган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

2008 йилнинг 1 январигача махсулот сотишдан тушган соф тушум 1287,9 млн. сумни ташкил этмоқда. Корхона 2007 йилда 303 дона лифт ишлаб чиқаришга эришган.

«Ховренко номли Самарканд вино комбинати» ОАЖ вино ва коньяк махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 29 сентябрдаги 14-сонли баённомаси қарорига асосан қорхонага 2006 йил 1 октябрдан 2007 йил 1 октябргача судгача санація жорий қилинган, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига бўлган қарзларини тулов муддатларини қечиктириш уларга ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқарилган.

Шу асосда «Республика комиссияси»нинг 2006 йил 31 декабрдаги 82-сонли йиғилиши баённомаси қарорига қура қорхонанинг 307,3 млн. сумлик бюджетга бўлган қарзининг тулов муддати 12 ойга қечиктирилган, 40,1 млн. сумлик пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилган.

2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 октябрдаги 204-сонли Қарорига асосан тулов муддати узайтирилган «Ховренко» ОАЖнинг 127,1 млн. сумлик қарзи, 6 ойдан кейин *(2008 йил 1 февралдан бошлаб)*, 12 ой давомида ойма-ой тенг миқдорда тулаб бериш шарти билан узайтирилган. Қолган 180,2 млн. суми эса графикга асосан 2007 йилнинг июл ойидан бошлаб, 2008 йилнинг 1 январигача ойма-ой тенг миқдорда тулаб бериш шарти билан узайтирилган.

Самарқанд шаҳридаги тугатилаётган «Зарафшон» очик акциядорлик жамиятидан 63150,0 минг сумлик арок қуйиш цехи асосий воситалари қабул қилинган ва жамият устав жамғармасида давлат улушини оширишга йуналтирилган. Қуввати 600 минг дал бўлган арок қуйиш цехи қорхона ҳудудига қучириб утқазилган ва ҳозирги кунда тула қувват билан ишлатилмоқда.

Қорхона томонидан 39000 дал қоньяк спиртини экспорт қилиш учун Россияга утган йили 9000 дал қоньяк спирти етқазиб берилган, қолган 30000 дал қоньяк спирти шу йилнинг охирига қадар етқазиб берилиши мулжалланган. Шартноманинг умумий суммаси 585000 АҚШ долларини ташкил этади.

Санація тақдим қилинган даврда яъни, 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига қорхонанинг дебиторлик қарзи 792,4 млн. сумни ташкил этган бўлса,

кредиторлик карзи 1328,6 млн. сумни ташкил этган, шундан 536,1 млн. сумлиги тулов муддати кечиктирилган карз, колган 792,4 млн. суми жорий карзлардир.

Бугунги кунга келиб жамиятнинг дебиторлик карзи 689,1 млн. сумни, кредиторлик карзи эса 1121,8 млн. сўмни, соф фойда эса 92,4 млн. сумни ташкил этмокда, тулов муддати утган кредиторлик карзи мавжуд эмас.

Шу жумладан 2008 йилнинг 1 январигача махсулот сотишдан тушган соф тушум 3381,3 млн. сумни ташкил этмокда ва шу билан бирга корхона 2008 йил 1 январ ҳолатига 541 минг АКШ доллари микдоридаги коньяк спирти экспорт килган.

Корхонанинг 180,2 млн. сўмлик тўлов муддати кечиктирилган карзи тўлик тўлаб берилди, соғломлаштириш режасида белгиланган курсатгич ҳам тўлик бажарилди.

Саноат корхоналарида ўтказилаётган таркибий ўзгартиришлар, молиявий соғломлаштириш ва ташки бошқарув таомилларининг самарадорлиги тахлили:

Вилоятдаги 6 та («Сино», «Самарканд лифтсозлик заводи», «Алпомиш», «Кинап» акциядорлик жамиятлари, «Самарканд «Кимё» заводи ва Самарканд чой кадоклаш фабрикаси) йирик саноат корхоналарининг таркибини ўзгартириш ва молиявий фаолиятини соғломлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган ва Ҳукумат комиссияси томонидан мақбулланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ўрнатилган.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида «Сино» ва «Кинап» акциядорлик жамиятларининг зарарли фаолият бартараф этилган ҳамда «Кимё» заводининг зарарли фаолияти бартараф этилиш чоралари қўрилган.

3 та корхонада ойлик махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига эришилган («Кимё» заводида 177 млн. сўмга, «Алпомиш» акциядорлик жамиятида 35 млн. сўмга ва «Сино» акциядорлик жамиятида 80 млн. сўмга ошган). 4 та корхонанинг ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган асосий

фондлари сотилиши натижасида 207 млн. сўмлик иктисодий самарага эришилган («Кимё» заводида 131,8 млн. сўм, «Самарканд лифтсозлик заводи» акциядорлик жамиятида 65,4 млн. сўм, Чой кадоклаш фабрикасида 9,4 млн. сўм ва «Кинап» акциядорлик жамиятида 0,7 млн. сўм).

Чой кадоклаш фабрикасига инвестиция киритиш бўйича "All Americas international inc» компаниясига билан ишлар олиб борилмокда. «Алпомиш» акциядорлик жамиятида эса 669,2 минг АКШ долларлик махсулотлар экспорт килишга эришилган.

«Ингичка кони» корхонасига нисбатан вилоят хўжалик судининг 2003 йил 10 апрелдаги 14-03-11/500 сонли ажрими билан 24 ой муддатга банкротлик таомилининг ташки бошқарув жараёни жорий этилиб, 193,1 млн. сўмлик карзларининг тўлов муддати узайтирилган карзларнинг 107 млн. сўми тўлаб беришга эришилган. Колган карзлар белгиланган навбат асосида қайтарилган.

Корхона қошида кичик мини заводларни очиб, цемент заводида ва чинни заводида хом-ашё тайёрлаб сотиш ишлари олиб борилмокда.

2004 йилда санация килинган фермер хўжаликлари фаолияти, санация самарадорлиги, тузилган инфратузилмалар фаолияти тахлили:

Хукумат комиссиясининг 2004 йил 26 февралдаги 2-сонли йигилиш қарори билан Иштихон туманидаги ер майдони 25 гектардан кўп бўлган «Янги куч», «Янги хаёт», «Ахмад жиян», «Холтуркман», «Эшон кишлоқ ва «Хина» фермер хўжаликларни санация қилишининг вақтинчалик тартибига биноан санация тадбирлари бир йил муддатга жорий қилган.

Санация жорий қилинган 6 та фермер хўжалигида пилла контрактация шартномаси, галлачиликда ҳар бир гектардан 45 ц/га ўрнига 45,5-46 ц дан галла ҳосили олиниб, ишлаб чиқариш ва давлат буюртмаси режалари, шунингдек пахтачиликда ҳам барча санацияга тортилган фермер

хўжаликларда санация режасидаги ҳар бир гектардан 25 ц/га ўрнига 30 ц/га ҳосил олиниб, йил якуни билан шартномавий режаси бажарилган.

Санация жорий қилинган фермер хўжаликларининг барчаси йилни фойда билан якунлаган.

III-БОБ. КОРХОНАЛАРНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ СОГЛОМЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ.

3.1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини реструктуризация қилиш ва таннарини оптималлаштириш.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини реструктуризация қилиш - товар ишлаб чиқариш турларининг ҳар бирини алоҳида фойдалилик даражасини ёки зарар кўриш эҳтимолларини таҳлил қилиш, маркетингни ўрганиш демакдир.

Бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири бу ишлаб чиқарилаётган товарларга истеъмол бозоридаги талабни доимий равишда ўрганиб боришдир. Истеъмолчиларнинг мунтазам ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини реструктуризация қилиш йули билан корхоналарнинг барқарор ишлашини ва рақобатбардошлигини таъминлаб бориш мумкин.

Самарқанд шаҳридаги “Кинап” ОАЖда илгари саноат корхоналари учун турли электро-техника асбоблари ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги пайтларда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб кескин камайиб кетиши натижасида корхонанинг молиявий аҳволи кескин ёмонлашди. Корхонада замонавий электр жиҳозлари ва транспорт воситаларини ишлаб чиқариш йулга қуйилгандан сунг корхонада ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди.

Худди шунингдек Тайлоқ туманидаги “Тайлоқ консерва” ОАЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга булган талаб кескин камайиши натижасида корхона оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган эди. Корхонани сотиб олган инвесторлар томонидан инвестициялар киритилиб, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни йулга қуйилгандан сунг корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга булган талаб кескин ошди, маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилина бошланди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини оптималлаштириш - корхоналар томонидан технология жараёнларини ҳамда хом-ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш, қувватлардан фойдаланиш ва қушимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом-ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора – тадбирлари Дастури” да ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сонли “Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорида бу борада амалга ошириладиган ишлар курсатиб берилган.

Мазкур қарор билан хужалик бирлашмалари ва корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қумитаси билан келишилган хужалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини қисқартиришнинг йиғма параметрлари буйича таклифи қабул қилинган ва маҳсулот таннархини

камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантириш туғрисида Низом тасдиқланган.

Жумладан Самарқанд шаҳридаги “Автомобиль заводи” буйича (“Ўзавтосаноат” акционерлик компанияси тизимидаги корхоналарда) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 3,5 фоизгача, вилоятдаги автомобиль йулларидан фойдаланиш корхоналарида 20,5 фоизгача қисқартирилиши назарда тутилган.

Корхона раҳбари, ва унинг уринбосарлари, бош муҳандис, бош технолог, бош энергитик, бош механик, бош бухгалтер, иқтисодий хизмат бошлиғи ва таннархни тартибга солиш буйича махсус булинма бошлиқларининг фаолиятларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи қай даражада пасайтирилишига қараб баҳо берилади. Ҳар бир календарь чорак якунлари буйича ўтказилган ҳисоб-китоблар натижасига кура ушбу лавозимдаги ходимлар моддий рағбатлантирилади ёки лавозим маошларига қушиб бериладиган устамалардан маҳрум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28-ноябрдаги ПФ-4058 сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонига асосан:

1. Корхоналарни таркибий ўзгартириш ва таннархни энг камида 20% га пасайтириш.

2. Иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш орқали - соҳага замонавий менежмент тизимини жорий қилиш, рақобатлаша оладиган соҳаларни ажратиб чиқариш ва хусусий тадбиркорликни кириб келишига имконият яратиш вазифаси туради.



1. Тошкент Трактор Заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини 20% га камайтириш бўйича амалий тажриба:



Тошкент Трактор Заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича амалий тажриба (2008 йил декабр ойида ўтказилган).

Таннархни оптималлаштиришда қулланилган усуллар:

1. Импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш **(-24%)**;
2. Материаллар сарфи нормаларини қайта кўриб чиқиш **(-0,06%)**;
3. Локализация даражасини кўпайтириш орқали таннархни камайтириш **(-1%)**;
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш **(-0,05%)**;
5. Фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш **(-2%)**;
6. Ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш **(-0,3)**.

ТТЗ маҳсулотлари таннархини оптималлаштириш натижалари:

- Тракторлар таннархини - 17% га;
- Прицеплар таннархини - 22% га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

	амалда:	таклиф:
Трактор нархи:	31,4 млн. сўм	26,1 млн. сўм
Прицеп нархи:	7,0 млн. сўм	5,4 млн. сўм

ДХО «ShoshEnergo» корхонасини электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самара:

Кўрсаткич	Реструктуриз. олдин	Реструктуриз. кейин	Натижа
Мавжуд дебиторлик қарзлари	3 379 млн.сўм	443 млн.сўм	- 86%
Жисмоний шахс бўлган абонентлар сони	9883	10122	+ 2%
Юридик шахс бўлган абонентлар сони	326	426	+ 31%
Электр энергиясидаги йўқотиш миқдори	36,4%	15,6%	-20,8% (абсолют) -57% (нисбий)

ДХО «Shosh Energo» корхонасини электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самара:

Етказиб берилган электр энергияси миқдори ва корхонанинг даромади:

Сотилган электрэнергияси миқдори (минг. кВт/соат)	Сотиб олиш тарифи (сўм)	Сотиш тарифи (сўм)	Фарқи (сўм)	Даромад (минг сўм)
29 740	34,10	43,70	9,60	285 504

Етказиб берилаётган электр энергияси учун амалга оширилган тўловлар (минг кВт/соат):

2007 йил 1-чорак	2008 йил 1-чорак
-------------------------	-------------------------

Қабул қилинди	Тўлов амалга оширилди	% (4:3 x100)	Қабул қилинди	Тўлов амалга оширилди	% (7:6 x100)
37 850,8	24 083,5	63,6	35 347,1	40 562,5	114,8

Тажрибанинг оммавийлашуви:

- ❖ Хозирги кунда хусусий операторлар Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сирғали, С.Раҳимов туманларида фаолият юритиб келмоқда;
- ❖ Хусусий операторларни жалб қилиш бўйича Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ишлар бошланган;
- ❖ Хусусий операторларни табиий газ ва сув таъминоти тизимида жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;
- ❖ Яқин кунларда тайёрланган методик тавсияномаларни оммавий ахборот воситаларида тақдимоти бўлиб ўтади.

2009 йилда металлургия соҳаси, кимёвий соҳа, пахтага ишлов бериш соҳаси ва бошқа саноат тармоқларида технологик жараёнларини оқилонлаштириш, материал сигими ва энергия сигимини камайтириш, шунингдек, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини қискартириш ҳисобидан маҳсулот таннархини камида 20% га қискартириш.

Хужалик юритувчи субъектларга, истисно тариқасида, 2009-2010 йилларда амортизация чегирмаларини белгиланган меъёрдан паст даражада урнатиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг жаҳон нархлари унинг таннархидан арзон булган тақдирда – Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 6 ой муддатда амортизация чегирмаларини тухтатишга имконият берувчи муваккат тартибни жорий этиш.

Корхоналарга нархлар конъюнктураси тез узгараётган шароитларда маҳсулотни жаҳондаги жорий нархларда тезкор суръатда экспорт қилишга кумаклашувчи механизмни яратиш.

Иктисодий ночор корхоналарни тижорат банкларида сотиш бўйича Республика комиссиясига айрим ҳолларда 2009 йилда экспорт товарларига

жахон нархларининг амалда шаклланаётган динамикасини эътиборга олган холда товарларни уларнинг таннархига тенг ёки таннархидан арзон киймат буйича сотиш ҳукукини бериш.

2009 йилда барча турдаги энергия ташувчилар ва коммунал хизматларнинг асосий турлари нархларини 6-8% дан ошиб кетишини чеклаш, бунда уларни ишлаб чиқариш рентабеллигини муқаррар равишда таъминлаш.

Маҳсулот таннархини қисқартириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ташки ва ички бозорларда сотувлар ҳажмининг қупайишига қура саноат корхоналари раҳбар ходимлари ишини баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

«Angora Tekstil» МЧЖга 85,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, комплект туркиянинг «Килинг Тижарет» фирмасидан ногазмол материаллар тикувчи «KECB MAKINASI» ускунаси сотиб олинган, урнатиш ва монтаж ишлари якунланган, 2009 йилнинг январ ойидан маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

«DIAMOND GLASS» қўшма корхонасига Хитой халқ Республикасидаги «AIKYA» ЛТД томонидан 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида импорт ўрнини босадиган, шишадан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида лойиҳавий қуввати бир суткада 3,0 тонна кварц қумини қайта ишлашга мослаштирилган технологик ускуналар олиб келиб ўрнатилди ва ҳозирги кунда ўрнатилган печларда синов ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида реконструкция ишлари бажарилган, 01.01.2009 ҳолатига қура жами 140 млн. сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Собиқ «Нарпай» МЧЖга 712,0 минг АҚШ доллари ва 110,5 млн. сўм инвестиция жалб қилиниб 380,0 минг АҚШ доллари миқдорида гипс ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиниб ўрнатилди. Корхона 2009 йил I-чорагида ишга туширилади ҳамда ишга тушгач қўшимча 45 киши иш билан таъминланади.

«Сафобахш сифат махсулотлари» МЧЖга корхонани бино ва иншоотларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун мулкдорлар томонидан жами 120 млн. сум инвестиция киритилган. Туркиядан курук меваларни (майиз, куритилган олма, урик ва х.к.) қайта ишлаш асбоб-ускунасини 220,1 минг АКШ доллари миқдорида харид қилиниб урнатилган ва 2009 йил январ ойидан бошлаб корхона тулик қувват билан ишга туширилди.

«Ал-Носир» МЧЖга 1100 млн. сумлик инвестиция жалб қилинган 690 млн. сумлик Хитой давлатидан экстракция линияси олиб келинди ва урнатилди. Украинадан электрон тарози соатига 200 тонна, Россияда ишлаб чиқарилган ВС-5 маркали қозонни, 2 та УСМ механизми бир комплект, Трансформатор 1000/10 КВА 1та, 108,6 млн. суми мавжуд ёғ ускуналарига эҳтиёт қисмлар олиш учун ва 267,3 млн. суми экстракция линиясини жойлаштиришга бино қуриш учун қурилиш материаллари олишга йуналтирилган. Ҳозирги кунда корхонада синов ишлари олиб борилмоқда.

3.2. Корхоналарда фойдаланилмаётган қувватлар ва ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш йуналишлари.

Мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини таркибий ўзгартириш – бу товар ишлаб чиқариш жараёнида ортиқча активларни (бино, иншоот ва ускуналар) ҳисобдан чиқариш, сотиш ёки янги хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, ортиқча харажатларга барҳам бериш.

Мавжуд ортиқча ер майдонларини реструктуризация қилиш – бу ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этмайдиган, ортиқча ер майдонларини аниқлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш, ортиқча сарф-харажатларни тугатиш.

Ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш – бу компаниянинг балансида мавжуд бўлган ижтимоий соҳа объектларини

сотиш, ижарага бериш ёки тегишли тартибда маҳаллий ҳокимият балансига ўтказиш, ортиқча сарф-харажатларни тугатиш.

Корхоналарда фойдаланилмасдан турган қувватлар ва ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш йуналишлари:

1. Фойдаланилмасдан турган бино-иншоотлар, ишлаб чиқариш ускуналар негизида шубба корхоналар ва янги корхоналар ташкил этиш.

2. Ижтимоий соҳа объектларини маҳаллий ҳокимликлар орқали тегишли ташкилотлар ва корхоналар (халқ таълими булимлари, соғлиқни сақлаш булимлари, маданият ва спорт ишлари булимлари, коммунал хизмат курсатиш корхоналари) ҳисобига ўтказиб бериш.

3. Фойдаланилмасдан турган бино-иншоотларни, ишлаб чиқариш ускуналарини салоҳиятли инвесторларга инвестиция киритиш шарти билан сотиш.

Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий узгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тугрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелда №188-сонли қарорида қуйидагилар ақс этирилган:

- турар жойлар, ётокхоналар, болалар богчалари ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектларини – узлари жойлашган жой бўйича шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари балансига;

- умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини (электр тармоғи хужалиғи, сув таъминоти объектлари, транспорт коммуникациялари ва ҳоказолар) – функционал мансублиғига қура тегишли хужалик бирлашмаларининг корхоналари балансига жорий ҳолати бўйича белгиланган тартибда берадилар.

Мазкур қарорга мувофиқ балансдан балансга берилаётган умумий фойдаланиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қиймати берувчи томон учун қушилган қиймат солиғини ҳисоблашда ва

кабул килувчи томон учун даромад (фойда) солигини ҳисоблаш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Таркибий узгартириладиган иктисодий ночор, зарар куриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик таомили қулланилган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тугрисидаги қарор таркибий узгартириш ёки банкротлик таомили амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Курсатиб утилган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондларини консервация қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади (ЎзР ВМ 04.01.2006 йил 2-сон Қарори тахриридаги хат боши).

«Кинап» ва «Лифтсозлик заводи» акциядорлик жамиятларининг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондлари консервация қилиниши натижасида 57 млн. сўмлик иктисодий самарага эришилган. «Кимё» заводи балансидаги умумий фойдаланилаётган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини балансдан балансга ўтказиш натижасида 12,9 млн. сўмлик харажатлар камайишига эришилган.

Самарқанд «Кимё заводи» ОАЖнинг фойдаланилмаётган мулкларини баҳолаб, белгиланган тартибда сотиш, ҳисобдан чиқариш ва демонтаж қилиш эвазига корхонанинг ер майдонини 274,8 гектарга камайтирилган.

Самарқанд шаҳридаги «Нафис» ОАЖ балансидаги ётоқхона, қурилиши тугалланмаган уй, стадион, истирохат боғидаги 2 та хожатхона Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан ҳокимият балансига олинган.

Корхонада 35 йил давомида ишлаб чиқилган бадиий кийматга эга бўлган маҳсулотлар наъмуналари музейини давлат томонидан махсус ҳисобга олиш ва шу билан «Жамоатчилик музейи» макомини бериш

максадида вилоят маданият ва спорт ишлари бошкармаси томонидан тегишли таклиф вилоят хокимлигига киритилган.

Самарканд шаҳри Фарҳод қурғонидаги “Самарканд уй қурилиш комбинати” ОАЖда фойдаланилмай турган бинони сотиб олган “Почвон Р.Р.” МЧЖ томонидан шифер ишлаб чиқариш йулга қуйилди. Шунингдек ушбу қурғондаги “Илс” ХТФга тегишли булган, фойдаланилмасдан турган бинолардан бирида “Сафобахш сифат маҳсулотлари” МЧЖ томонидан қишлоқ хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналар урнатилган бўлса, “Ангор гилам” МЧЖ томонидан гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб урнатилди.

3.3. Корхоналарда менежмент ва молиявий ҳолатни реструктуризация қилиш йуналишлари.

Молиявий ҳолатини реструктуризация қилиш – бу компаниянинг қарзларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича кредиторлар билан келишиш.

Менежменти реструктуризация қилиш – бу юқоридаги барча жараёнларни оптимал ўтказилишида муҳим омил бўлади. Замонавий менежмент компаниянинг бошқарув тақдирини ҳал қилади, структурасини белгилайди.

Корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг субъектив сабабларига - корхона раҳбарларининг уқувсизлиги, қонунчиликни яхши билмаслиги, давлат томонидан берилган имконият ва енгилликлардан етарли тарзда фойдалана олмаслиги, бозор иқтисодиётининг узига ҳос қонуниятларини чуқур урганмаслиги, шартномавий интизомларга қатъий риоя этмаслиги каби сабаблар қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузаларининг бирида белгиланган топшириқларни бажариш мақсадида Самарқанд вилоятидаги олдин хусусийлаштирилган, бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган ва кам қувват билан ишлаётган корхоналарни аниқлаш юзасидан вилоят ҳокимлиги бошчилигида махсус комиссия томонидан ўрганишлар ўтказилди. Хусусан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни жойларга чиққан ҳолда, фаолият юритмаслик сабабларини, истикболда бу корхоналарни ишлатиш ҳолатларини корхона раҳбарлари, таъсисчилари ва акциядорлари билан муҳокама қилиб таҳлил қилиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг асосий мақсади: Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгिलाш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган.

Корхонанинг фаолияти учун ички омиллар ҳам салбий таъсир курсатади. Чунончи, гарбий экспертларнинг баҳосига Караганда кичик фирмалардаги турли хил мувоффақиятсизликларнинг 90 фоизи менежерларнинг тажрибасизлигига, раҳбариятнинг билимсизлигига, унинг узгариб бораётган бозор вазиятларида муносиб ҳаракат қила олмаслигига, эскича дунёкарашига боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси фирмани самарасиз бошқаришга, нотугри қарорлар қабул қилинишига, бозордаги позицияларини йукотишига олиб келади. Бу омиллар, эҳтимол, мамлакатимиз корхоналарига ҳам хосдир.

Банклар кредитлари буйича муддати утган ва жорий қарзлар суммасини реструктуризация қилиш, бунда янги қурилиш, модернизация, техник ва технологик қайта жихозлаш ишларини амалга ошираётган ҳамда экспорт нархлари тушиши ва экспорт маҳсулотларга бўлган талабнинг камайиши туфайли вақтинчалик кийинчиликларни бошидан кечираётган

айрим экспорт килувчи корхоналарнинг жарима чоралари ва пеняларини Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган хисоб-китоблар асосида хисобдан учирish.

2009 йил 1 январ ҳолатига кура экспорт килувчи корхоналарнинг кредиторлик карзини реструктуризация қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга, электр энергия, табиий газ таъминоти ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни хисобдан учирish Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган хисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

Экспорт килувчи корхоналар томонидан қушимча қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини 20 кунгача қисқартириш, бунда буюджет олдида мавжуд бўлган ва бўлажак мажбуриятлар хисобига узаро қарз суришиш механизидан фойдаланган ҳолда мавжуд тартибни соддалаштириш.

Жами вилоят бўйича 436 та шу жумладан акционерлик жамиятлари ва 7-10 йил олдин хусусийлаштирилган корхоналар инвентаризациядан ўтказилди.

Бирламчи инвентаризация натижалари бўйича вилоятдаги жами 41 та фаолият кўрсатмаётган, иқтисодий ночор, зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли хусусийлаштирилган корхоналар аниқланди, шулардан 24 таси фаолият кўрсатмаяпти, 10 таси 5-10% қувватда ишлаётган корхоналар, 5 таси иқтисодий ночор, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ҳамда 2 таси фойдаланилмаётган объектлардир.

Бу корхоналарнинг жами ер майдонлари 156,5 гектарни ташкил этиб, шундан ишлаб чиқариш майдонлари 66,5 гектардир. 2002 йилда бу корхоналарда жами 1586 нафар ишчи ходимлар ишлаган бўлсада, ҳозирги кунда бор йўғи 639 нафар ишчи ишлаб келмоқда, яъни 947 та иш ўрни камайиб кетган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми 2002 йилда 2,6

млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 1,7 млрд. сўмгача, яъни 44% камайган.

Ушбу корхоналар негизида янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки унинг фаолиятини тиклаш юзасидан корхона раҳбарлари ва мулкдорлари билан музокаралар олиб борилиб, корхоналарни тиклаш жараёни қуйидаги тоифаларга бўлинди:

- раҳбар ва мулкдорларининг, ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий ахволини соғломлаштиришга имкониятлари бўлган 13 та корхона бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;

- иқтисодий ночорлик аломатлари бўлган ҳамда мулкдорлари томонидан соғломлаштириш борасида интилиши бўлмаган 9 та корхонага нисбатан банкротлик жараёнини қўллаш ва ягона мажмуа сифатида салохиятли инвесторларга сотилиши;

- корхона мулкдорлари билан келишилган ҳолда Давлат мулки бошқармаси томонидан инвестицион мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда 9 та мулкый мажмуаларни очиқ танлов савдоларига чиқарилиши;

- 10 та корхона ва мажмуа мулкдорлари билан ҳокимликлар томонидан ушбу корхоналарга инвесторлар жалб қилиш ва уларни янги мулкдорларга сотиш бўйича шахсан мулкдорлар билан музокаралар олиб борилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ҳамда истикболсиз корхоналарни тугатиш, тақибий узгартириш ва ихчамлаштириш» бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши муҳокамасига бағишланган 2005 йил 5 февралдаги 02-15-29-сонли ва 2007 йил 19 мартдаги 02-15-54-сонли йиғилиш баённомалари топшириқларининг ижросини таъминлаш мақсадида корхоналарни таркибий ўзгартириш ва соғломлаштириш 3-босқич дастури ишлаб чиқилди ва вилоят ҳокимининг 2007 йил 29 мартдаги 53-К сонли қарорига асосан тасдиқланди.

Иқтисодий ночор, зарар куриб ишлаётган ҳамда истиқболсиз корхоналарни тугатиш, тақибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш 3-бўғич Дастурига жами 32 та корхона киритилган, шундан 31 та корхонада ишлаб чиқариш қувватларини тарқибий ўзгартириш, ички имкониятларни сафарбар қилиш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этиш, маркетинг стратегиясини ривожлантириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш орқали соғломлаштириш режалаштирилган, 1 та («Нафис» ОАЖ) корхонага нисбатан кейинчалик салоҳиятли инвесторларга сотилишини ҳисобга олиб, 12 ойга ташқи бошқарув жорий этиш белгиланган.

31 та корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги натижаларга эришиш кузда тутилган:

- 24 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига жами 148,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;

- дастурга киритилган корхоналарда жами 2869 та иш ўринлари яратиш ва тиклаш;

- корхоналарнинг ички имкониятларини сафарбар қилиш эвазига, мавжуд айланма маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида жами 25,2 млрд. сўмлик маблағларни жалб қилиш.

Шунингдек корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш цехларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида 27,5 млн. АҚШ доллари ва 2 млрд. сўм миқдорида инвесторлар томонидан инвестициялар киритиш тадбирлари белгиланган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ўзоқ истиқболга қаратилган фаолиятни

самарали ташкил этиш учун бошқарувнинг турли соҳалари бўйича малакали мутахассислар хизматига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Юртбошимиз белгилаб берган “Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энгмуҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш устувор йўналиши”дан келиб чиқиб бизнинг асосий фаолиятимиз куйидагича булиши лозим:

Зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истикболсиз корхоналарни қатъий тугатиш, таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва модернизациялашга қаратилди. Жумладан:

- Иқтисодий ночор ва истикболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш, модернизациялаш ва ёки қатъий тугатиш жараёнини қўллаш;

- Аввал хусусийлаштирилган ва фаолият юритмаётган корхоналарни аниқлаш ва уларда ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ёки тугатиш жараёнини, янги мулкдорларга сотиш;

- Зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истикболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва модернизациялаш дастурлари орқали уларнинг негизида янги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, янги иш ўринлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби муҳим йўналишлардан иборат.

Хулоса қиладиган булсак, Президентимиз таъкидлаганидек: «Барчамизга битта нарса аён бўлиши керакки – мулк ўзининг ҳақиқий эгасига эга бўлсин. Ўз эгасини топмаган корхона бутгул тугатилиши лозим».

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995г.

2. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, тараққиётнинг шарт ва кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
3. «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 17 апрел 2006 й. № ПП-325.
4. Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности» № 78П от 26.05.2000г.
5. Экономическое обозрение. Журнал 2000-2006.
6. Фаттахов А.А. Экономика коммерческого-посреднических организаций. Учебное пособие. Т. Мехнат 1999 г.
7. Управление предприятием. Журнал 2007-2009.
8. Закон Республики Узбекистан «О банкротстве» (новая редакция) 2003г.
9. Смирнова В.Г., др. Организация и его деловая среда: 17-модульная программа для менеджеров “Управление развитием организации”. М., “ИНФРА-М”, 1999г.
10. Комментарий к Закону Республики Узбекистан «О банкротстве»
11. Кондратьев В.В., др. Реструктуризация управления компанией: 17-модульная программа для менеджеров “Управление развитием организации” М., “ИНФРА-М”, 1999г.
12. Кнорринг В.И. Теория, практика и искусство управления. М., “ИНФРА-М-НОРМА”, 1999г.
13. Государственное регулирование рыночной экономики. (Сер. “Наука управления”) М., “Дело”, 2001г.
14. Управление организацией. (Поршнева А.Г., др.) М., “ИНФРА-М”, 2000г.
15. Сию К.К. Управленческая экономика. М., “ИНФРА-М”, 2000г
16. Паркинсон С., др. Искусство управления. Монография. М., ФАИР-ПРЕСС, 2001г.